

Апрел
23



Болага неча ёшидан компьютерга рухсат бериш керак?

10-бет

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

14
(1332)-son
6-aprel
2018

Xabar

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ИМКОНияТЛАР КУПРИГИ

ТАТУ ва унинг филиалларида ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида ёшлар фаол иштирок этишди
4-5-бетлар

ОЖИДАЕМЫЕ СОБИТИЯ

В Узбекистане впервые пройдет образовательная программа DigiGirlz
6-бет

АХОЛИ УНДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА Фойдаланмоқда?

Тошкент вилоятида янги мини-АТСлар ўрнатилди
7-бет

ОБОД ҚИШЛОҚ

Жиззахдан Манасгача
8-бет

ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Қоғозсимон дисплей электр токсиз ишлайди
12-бет

ОНЛАЙН ХИЗМАТЛАР

Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади
13-бет

ДУНИНИНГ ЭНГ ЙИРИК МОБИЛ АЛОҚА ОПЕРАТОРЛАРИ

#	ОПЕРАТОР	АБОНЕНТЛАР (млн)
1	China Mobile	887
2	Vodafone	516
3	Airtel	376
4	China Unicom	284
5	America Movil	280
6	Telefonica	273
7	China Telecom	250
8	Veon	240
9	MTN Group	230
10	Orange	208

Манба: wikipedia.org, 2017

ЭКСПЕРТ ВА КИБЕР- ЖИНОЯТЧИЛАР ЖАНГИ

2018 йилда
АХБОРОТ
ХАВФСИЗЛИГИ
СОҲАСИДА
КУТИЛАЁТГАН
АСОСИЙ ХАВФЛАР

3-бет



ЎЗБЕКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН АҚТ ВАЗИРЛИКЛАРИ ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Шу йилнинг 2 апрелида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Азим Ахмедхаджаев Афғонистон коммуникация ва ахборот технологиялари вазири Шаҳзод Гул Арёбини қабул қилди.

2-бет

НАЗОРАТ

САЙЁҲ УЧУН АЛОҚА ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

Сир эмас, сайёҳлик дунё иқтисодиётида ҳал қилувчи ўринларни эгаллаб келади. Куплаб мамлакатлар айни шу соҳа орқали аҳолисининг фаровонлигини таъминлаяпти. Айрим мамлакатлар ўз тарихий масканлари, сулим табиати, қадимий обидалари билан сайёҳларни жалб этаётган бўлса, айримлари бутунлай бошқа йўналишларда, хусусан, савдо ва хизматлар билан дунёга эшик очмоқда.

Айни шу жиҳатдан қараганда Ўзбекистон имкониятлари ҳеч қайси жабҳада ҳеч кимдан кам эмас. Бирок, бу имкониятни рўбга чиқариш борасида дўппини бошдан олиб, ўйлайдиган масалалар йиғилиб қолган эди.

Аввало, соҳа билан боғлиқ расмийчиликлар, сайёҳларга хизмат кўрсатишдаги камчиликлар, нархлар ва хизматлар ўртасидаги тафовутлар... буларнинг



барчаси улкан имкониятларимизга соя солиб турган эди.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев бу каби муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини тўлақонли рўбга чиқариш борасида ҳал қилувчи қарорлар қабул қилди.

Натижада қисқа вақт ичида Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар сони сезиларли даражада ошди.

2-бет

РЕКЛАМА


ALSKOM
ЎЗБЕТА ҚОМПАНИ
ИПТЕКА ВА ЖИСМОНИЙ ШАҲСЛАРНИНГ
ИПТЕКА СУҒУРТАСИ

Тошкент шаҳри,
А.Темур кўчаси 109-уй
www.alskom.uz

Хизматлар лицензияланган

Тел.: 147-11-00;
Фанс: 147-22-00

2 ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ



➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 30-31 март кунлари Жиззах вилоятида бўлди.

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 апрел куни Абдулфаттоҳ ас-Сисини Миср Араб Республикаси Президенти лавозимига қайта сайлангани муносабати билан табриклади.

➤ Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 апрел куни имзолаган "Курилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон ҳамда "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарор чоп этилди.

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 апрел куни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш борасидаги ишлар таҳлили ва гадаги энг муҳим вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда соҳага масъул раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди. Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

➤ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 4 апрел куни Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси ва Евроосиё Global TV Саусус гурӯҳи ўринбосари Алисон Сатти бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

➤ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда "Хусусий тиббиёт соҳаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари" мавзuida давра суҳбати ташкил этди.

➤ Жорий йил 4 апрел куни Тошкент Жанубий вокзалдан илк йўловчи поездлар қатнови бошланди. Шу куни барча шаҳарлараро маҳаллий йўловчи поездлари, жумладан, Тошкент — Бухоро поезди илк қатновни қайта реконструкция қилинган вокзалдан амалга ошириди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН АКТ ВАЗИРЛИКЛАРИ ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ



"Йўл харитасига асосан, Афғонистон ва Ўзбекистон телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорликнинг янги босқичи белгилаб олинди. Биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ҳар иккала мамлакатда интернетга тезкор уланишни таъминлаш юзасидан янги имкониятларни излаيمиз", — деди "Afghan Telecom Corporation" Бош директори Ажмал Аян.

Унда телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, юқори тезликдаги транзит алоқа каналларини ташкил қилиш, икки давлат тармоқ операторлари ўртасидаги халқаро телефон трафик сифимини катталаштириш, халқаро интернет тармоғига юқори тезликда уланишни ташкил қилиш, АКТ соҳасида кадрлар тайёрлаш каби янги йўналишларга лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, ушбу лойиҳалар нафақат алоқа соҳаси ўртасидаги, балки бошқа йўналишларда ҳам минтақавий ҳамкорликнинг кенгайтиришга хизмат қилади.

Музокараларнинг мантиқий давоми сифатида 3 апрел куни Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Азим Ахмедхаджаев ҳамда Афғонистон Ислоҳ Республикасининг коммуникация ва ахборот технологиялари вазирлиги Шайхидул Гул Арёби иккала мамлакат ўртасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш йўналишида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган "Стратегик ҳамкорлик бўйича англашув меморандуми"ни имзоладилар.

Мазкур ҳужжатдан қўзланган бош мақсад — икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда телекоммуникация, ахборот технологиялари ва почта хизматларини кўрсатишда тажриба алмашиш, алоқаларни кенгайтиришдан иборат. Меморан-

Азим АХМЕДХАДЖАЕВ,
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

— Афғонистон Президентининг яқинда юртимизга ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари АКТ соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан ҳам келишувга эришган эдилар. Мана шу келишув асосида Афғонистоннинг АКТ вазирлиги бошчилигидаги делегация билан соҳанинг турли йўналишларида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, биринчи гада Афғонистон билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича йўл харитасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, хусусан, интернет транзитини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистон томони уларнинг мутахассислари Ўзбекистонда билим ва тажриба орттиришларига қизиқиш билдирмоқда. Имзоланган Меморандум доирасида афғонистонлик талабаларни Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Тошкент шаҳридаги ИНХА университетига таълим олишларини ташкил қилиш масаласи ҳам кўзда тутилган.

думда, шунингдек, АКТ соҳасида техник ёрдам кўрсатиш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Англашув меморандуми асосида томонлар ҳамкорликка оид меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштирадилар, ўзаро дахлдор бўлган телекоммуникация ва алоқа тармоқлари ҳамда почта алоқаси инфратузилмасини мақбуллаштириш чораларини кўрадилар. Хусусан, Марказий Осиёга Ўзбекистон орқали ўтадиган почта транзитининг фаолияти таъминланади.

Шу билан бирга, томонлар АКТ соҳасининг турли йўналишларида рақобатбардошликни ошириш, электрон ҳуқумат йўналишида ҳамкорлик қилишни келишиб олдилар.

Шунингдек, музокаралар асосида "Ўзбектелеком" АК ҳамда "Afghan Telecom Corporation" ўртасида ҳам "Стратегик ҳамкорлик бўйича англашув меморандуми" имзоланди. Телекоммуникация соҳасининг иқтисодий юксалишидаги ўрни ҳисобга олинди, томонлар телекоммуникация йўналишида ўзаро хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Хусусан, томонлар ҳар иккала мамлакатдаги халқаро алоқа хизматларига бўлган эҳтиёжни таҳлилий ўрганиш, шунга кўра мақсадли равишда "Ўзбектелеком" ва "Afghan Telecom Corporation" компанияларининг телекоммуникация тармоқлари ўртасидаги ўзаро трафик ўтказувчанлигини оширишни келишиб олдилар.

АЛ-ХОРАЗМИЙГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

Radisson меҳмонхонасида 5 апрел куни буюк олим, алгебра фанининг асосчиси, улуғ бобомиш Муҳаммад ал-Хоразмий таваллудининг 1235 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий ва маънавий-маърифий анжуман иш бошлади.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этган конференция ишида дунёнинг ўнта мамлакатидан олим ва мутахассислар иштирок этишмоқда.

Конференция жараёнида электрон тижорат, электрон ҳуқумат тизимини жорий қилиш

ва ривожлантириш борасида ахборот технологияларидан фойдаланиш, ахборот кутубхонаси ва архивлар йўналишининг инновацион ривожланиши, иқтисодлаштирилган дастурий ва аппарат ишланмаларидан иқтисодийнинг реал тармоқларида фойдаланиш каби қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

ЭКСПЕРТ ВА КИБЕРЖИНОЯТЧИЛАР

ЖАНГИ 2018 ЙИЛДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА КУТИЛАЁТГАН АСОСИЙ ХАВФЛАР

Кибержиноятчилар кибержужумларга қарши замонавий технологияларни айланиб ўтиш умидида доимий равишда ўз иш усуллари ва қўллайдиган воситаларини такомиллаштириб боради. Ушбу мақолада бутун дунё бўйлаб фойдаланувчилар ва корхоналар дуч келиши мумкин бўлган олти асосий кибержафни кўриб чиқамиз.

Кўпчиликка маълумки, 2017 йил дунё ахлига шов-шувга сабаб бўлган тамагир-шифрловчиларнинг кибержужумларини тақдим этди. Шунингдек, йирик корпорациялар ва миллионлаб фойдаланувчиларга зарар етказган, шахсий маълумотларнинг ўғирланиши билан боғлиқ кўп ҳодисалар содир бўлди. Хўш, 2018 йилда ахборот хавфсизлиги соҳасида кутилаётган асосий хавфлар нималардан иборат?



Маълумотларга жиддий ҳужумлар

Ўтган йили Equifax кредит ҳодисалари бюроси мижозлари катта ҳажмдаги махфий маълумотларининг йўқотилиши билан ҳам эса қолди. Ушбу кибержужум натижасида АҚШ аҳолисининг деярли ярмига тегишли ижтимоий суғурта рақамлари, туғилган саналари ва бошқа маълумотлар қонунбузарлар қўлига ўтди.

Ушбу ҳодиса махфий маълумотларни ошкор қилиш борасида ҳақерларнинг даражаси анча баланд эканлиги тўғрисидаги илк огоҳлантириш бўлди. Хавфсизлик масалалари бўйича АҚШдаги экспертларнинг фикрича, 2018 йилда кибержиноятчиларнинг нигоҳи катта ҳажмдаги махфий маълумотларни сақлайдиган бошқа йирик компанияларга қаратилди. Қонунбузарлар учун энг қизиқарли маълумотлар, бу фойдаланувчиларнинг интернетда ишлаш жараёнидаги одатларига тегишли.

“Бурут”даги тамагирлар

Юқорида айтаётганга қарамай, 2017 йилда тамагир-дас-турлардан фойдаланилган ҳолда йирик кибержужумлар қузатилган. Ҳужумга Буюк Британиянинг соғлиқни сақлаш хизмати, Сан-Францисконинг енгил релсли транспорт тармоғи ҳамда FedEx каби йирик компаниялар дучор бўлди.

Тамагир дас-турларнинг баъзилари (масалан, WannaCry) юз минглаб компьютерларни ишдан чиқаришни удралади. 2018 йилда тамагирларнинг асосий мўлжал маълумотларини “бурут”да сақлаш бўйича хизмат кўрсатувчи компаниялар бўлишига эҳтимол катта, чунки кўпинча “бурут”да корхоналарга тегишли махфий маълумотлар терабайтлаб жойлаштирилади.

Шунингдек, кўпчилик “бурут” сақлаш жойлари ўз мижозларига электрон почта ва фотографиялар учун кутубхоналар каби хизматларни таклиф қилади. “Бурут” технологиялари билан шуғулланувчи Google, Amazon ва IBM каби энг йирик компаниялар ахборот

рот хавфсизлиги соҳасидаги энг яхши мутахассисларни ёллашган, шунинг учун энди уларни бузиш унчалик осон бўлмайди. Бироқ кичикроқ компаниялардаги заифликлар эҳтимоли сабабли улар ҳужумга дучор бўлиши мумкин.

Зарарли сунъий интеллект

Жорий йилда сунъий интеллект ишторокида қуролланиш пойгаси пайдо бўлиши кутилмоқда. Хавфсизлик соҳасидаги экспертлар кибержужумларнинг олдини олиш ва зарарли феолиқни аниқлаш учун машинали ўқитиш моделлари, нейрон тармоқлар ва бошқа сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишни режалаштирмоқда. Турли кибержиноятчиларнинг ушбу технологиялар билан қуролланиши эҳтимоли катта. Бу уларга экспертларга қарши туриш учун жиддий имкониятлар тақдим қилади. Соҳанинг етук экспертлари таъкидлашича, сунъий интеллект кибержиноятчиларга, уларнинг инвестицияларини қоплашга имкон берувчи восита тақдим қилади.

Бундай технологияларнинг зарарли қўлланиши мисоли сифатида мақсадли фишингнинг (spear phishing) кўрсатиш мумкин. Бундай электрон хатлар фойдаланувчиларнинг қизиқкишлири ва фаолият турлари ҳисобга олинган ҳолда, жуда ям саралиниб жўнатилади. Машинали ўқитиш моделларининг самарадорлиги бугунги кунда, худди одам фишинг хатларини тузиши ва таргетлаши каби самарадор бўлиши мумкин. Машинанинг фойдали фарқи унинг 24/7 тартибда ишлашида. Экспертларнинг таъкиди қилишларича, кибержиноятчилар ушбу усуллари, албатта, ўз гаразли ниятларини амалга оширишда қўлайдилар. Шунингдек, қонунбузарлар зарар келтирувчи дас-турларни ишлаб чиқишда қумдонларни

(песочница) ва вирусларга қарши дас-турлар текширишларини яхшироқ айланиб ўта оладиган сунъий интеллектдан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Кибержисмоний ҳужумлар

2018 йилда давлатларнинг муҳим инфратузилмаларига ҳужумлар сонининг ошиши кутилмоқда. Ушбу ҳужумларнинг кўпчилиги мазкур объектлар фаолиятини бутунлай тўхтатиш учун уринишларга йўналтирилган бўлади. Ўтган йили Россия муҳим инфратузилма объектларининг 40 фоизиди заифликлар мавжудлиги аниқланди, бу албатта, мамлакат кибержафсизлигини хавф остига қўяди. Қонунбузарлар бу каби объектларни шифрловчи-дас-турлар ёрдамида зарарланган объектларга зарар етказишга уринишлари тахмин қилинмоқда. Бу ҳужум уларнинг ишини бутунлай тўхтатиши ва эвазига каттагина пул сўрайди. Энг ёмони, бундай кибержужумлар миллионлаб одамларга зарур бўлган ҳаётий тизимлар учун реал хавф яратди. Йил давомида тадқиқотчилар (шунингдек, кибержиноятчиларнинг ўзлари) самолётлар, поездлар, кемалар ва бошқа турдаги транспортдаги кўпчилик заифликларни аниқлашлари эҳтимоли катта.

Криптовалюталар майнинги

Кибержиноятчилар, айниқса, Шимолий Корея ҳақерлари охириги пайтларда биткоин ва бошқа рақамли валюталар эгаларини нишонга олмақдалар. Бироқ экспертларни 2018 йилда биткоинларнинг ўғирланиши эмас, балки компьютерлар ҳисоблаш қувватининг ўғирланиши безовта қилмоқда. Криптовалюталарга эришиш учун катта миқдордаги ҳисоблаш қуввати талаб қилинади. Экспертлар қайд қилишларича, юзага келган бундай вазият ҳақерларни майнингга фойдаланиш учун миллионлаб

компьютерларга хуруж қилишга ундайди. Ҳатто Starbucks провайдери ҳам мижозларидан фойдаланган ҳолда крипто-валютани майнинг қилган ҳолатлар маълум. Криптовалюталар курси кўтарилишда давом этадиган ҳолатда қонунбузарларнинг майнинг ҳужумига тайёр туриши зарур бўлади. Рақамли валютани қўлга киритишга оид уринишларидан жиноятчилар касалхоналар ва аэропортларнинг тармоқларида ҳужумлар уюштириши мумкин, бу ҳолат тадқиқотчиларни хавотирга соляпти.

Сайлов тизимини бузиш

У ёки бу давлатда сайловлар натижаларига таъсир қилиш мақсадида уюштирилган кибержужум хавфи алдақачон янги турдаги хатар рўйхатидан чиқиб улгурган. Ўтган йили Россия АҚШдаги Доналд Трампнинг янги президент сифатида сайланишига олиб келган сайловлар жараёнига аралашганлик каби айбловларга дуч келди. АҚШнинг Ички хавфсизлик вазирлиги ҳам ўтган йили россиялик ҳақерлар Американинг 21 штатидаги сайловларни мўлжал қилиб олганлиги ҳақида хабар тарқатди.

Канаданинг коммуникациялар хавфсизлиги маркази (CSE) ҳам 2019 йилда ҳақерлар ва бошқа давлатлар сайловларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилиши ўмумкинлиги тўғрисида огоҳлантирган эди. Айни пайтда кибержиноятчиларда ҳужум йўналиши сифатида сайловларнинг электрон рўйхатлари, овоз бериш учун машиналар ҳамда натижаларни таққослаш ва аудит қилиш учун дас-турий таъминотлар мавжуд.

Экспертлар жорий йилда бу каби кибержужумлар сонининг ўсишига тайёргарлик кўраётганлиги сабабли, ишлаб чиқарилган махсулотларда заифликларга йўл қўяётган компанияларга нисбатан катта миқдордаги жарималар қўлланилиши кўзда тутилмоқда. 25 май


куни Европада Маълумотлар хавфсизлиги бўйича умумий регламент (GDPR) кучга кирди, унга кўра, компаниялар ҳар бир қонун бузилиши ҳолатлари ҳақида мутасалли ташкилотларга хабар беради ва ўз мижозларига уларнинг маълумотлари ўғирланганлиги ҳақида ахборот бериб боради. Бунинг устига компаниялар бу ишларни 72 соат ичида бажаришлари зарур. Ушбу қондаларга риоя этмаслик ташкилотларга 20 миллион доллар ёки компания бутун даромадларининг 4 фоизи миқдоридagi жарима солиш хавфини тугдиради.

Яқиндагина Убегнинг катта ҳажмдаги маълумотлари чиқиб кетиши билан боғлиқ ҳодиса Америкадаги маълумотларни ошкор этиш қондалари жиддийлаштирилишига олиб келди. Бу эса 2018 йилда ҳуқуқшуносларнинг иши янада кўпайишидан дарак беради.

Хулоса

Демак, кибержиноятчилар ўз гаразли ниятларига эришиш учун янги технологиялар хизматидан биринчи бўлиб фойдаланишга уриниши. Криптовалюталар курси ўсиши бошлаши билан ҳақерлар дарҳол минглаб фойдаланувчилар компьютерларини назоратларига олдилар, шунингдек, сунъий интеллект пайдо бўлганидан ундан ўз қурбонларининг компьютер тизимларига зарарли дас-турларни киритишда фойдаланиш йўллари ўйлаб топдилар. Шу сабабли, 2018 йил — хавфсизлик соҳасидаги экспертлар ва кибержиноятчилар ўртасидаги технологик пойга ва ўзаро жанг майдонига айланади.

Шоҳрух РАҲМАТ, Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази департаменти бошлиғи



Имкониятлар

ТАТУ ва унинг филиалларида ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида ёшлар фаол иштирок этишди.

Аввал хабар берганимиздек, 30 март куни Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиалларининг битирувчи бакалавр ҳамда магистрлари учун меҳнат ярмаркалари бўлиб ўтди.

Муваққат ҳаёт оstonасида турган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ташкиллаштирилган мазкур ярмаркада “Ўзбектелеком” АК, “Ўзбекистон почтаси” АЖ, My.gov.uz, АТ “Алоқабанк”, UNICON.UZ, UZINFOCOM, “ЭМММ”, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” давлат унитар корхоналари, “ТШТТ”, “БКМ” каби соҳа корхона ва муассасалари, шунингдек, дав-

лат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ўзларида мавжуд бўлган мингдан ортиқ вакант иш жойлари билан қатнашиб, корхоналарида ходимларга яратилган шaroитлар, бўш иш ўринлари, ишга жойлашиш механизми ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисида тақдиротлар ўтказишди.

Таъкидлаш жоизки, ҳўкуматимиз томонидан мамлакатимиз ёшларининг мукамал билим олиши, таълим сифатини ошириш ва халқаро мейн-стрим даражасида кадрлар тайёрлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳалари учун юқори малакали ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари етиштириш, уларнинг келгусида аниқ иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш, энг аввало, касб-ҳўнар

коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шарт-шaroитлар яратиш бўйича амалга ошириладиган ишлар 2018 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятига электрон ҳўкумат лойиҳалари ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари тизимларини кенг жорий қилиш бўйича истиқболли лойиҳалар амалга оширишмоқда. Табиийки, ушбу вазифаларни амалга оширишда АКТ соҳасида етук билимга эга бўлган ва билимларини ўз иш фаолиятида қўллай оладиган мутахассисларнинг ўрни каттадир. Шу боис, бу каби анъ-

анавий меҳнат ярмаркалари компания ва ташкилотларга шу соҳанинг иқтидорли кадрларини жалб этиш имкониятини яратиб бериши билан аҳамиятлидир.

Ярмаркада Электрон ҳўкумат тизимини ривожлантириш маркази ҳам фаол иштирок этиди. Марказ вакиллари талабалар ва соҳага қизиққан барча ёшларнинг саволларига батафсил жавоблар беришга ҳаракат қилишди. Марказда ишларни хоҳловчи талабгорлар ўз резюмеларини тақдим этишди.

Анъанага қўра, меҳнат ярмаркасида UZMOBILE стенди жуда кўп ёшларни ўзига жалб қилди. Улар номзодларга қўйиладиган талаблар, келгусидаги мажбуриятлар, меҳнат шaroитлари тўғрисида ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Шунингдек, ярмарка доирасида ўтказилган

САМАРҚАНД

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида ўтказилган меҳнат ярмаркасида эллика яқин АКТ корхоналари мавжуд бўш иш ўринлари, фаолиятлари, ойлик иш ҳақлари ва иш берувчи томондан қўшимча имтиёзлар тарғиб этилган стендлар ва кўргазмалар билан иштирок этишди.

Ярмаркада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Нодир Эшназаров, ТАТУ Самарқанд филиали директори Абдували Холжигитов, Ахборот технологиялари касб-ҳўнар коллежи директори Акром Низомовлар сўзга чиқиб, ўтказилаётган ярмарка бугунги кунда ТАТУ филиаллари ва алоқа соҳаси



коллежлари битирувчилари учун касб танлаш имкониятини яратишни таъкидладилар. Шунингдек, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бош бошқармаси, вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими бошқармаси ва бошқа масъул корхоналар вакиллари яр-

маркани кўнгилли ўтказиш учун ҳозир бўлдилар.

— Вилоятнинг 16та туман почта алоқаси тармоқлари таркибиде 195та алоқа бўлими мавжуд, — дейди биз билан суҳбатда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Самарқанд филиали директори биринчи ўринбосари Илҳом Иб-

рагимов. — Бу бўлимларда асосан кунлик даврий нашрлар, хат-хабарлар, пул жўнатмалари каби 20дан зиёд хизмат турлари кўрсатилди. Филиал бўйича 281та компьютернинг 173таси алоқа бўлимларида ишлаб турибди. Улар орқали аҳолига коммунал тўловларни тўлашда биллинг тизими ва электрон дастур асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу боис ахборот технологиялари бўйича билимга эга бўлган ёшларни почта соҳасига жалб қилишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Меҳнат ярмаркасида ТАТУ ҳамда касб-ҳўнар коллежлари битирувчилари ва алоқа корхоналаридан 350дан ортиқ иштирокчилар ташриф буюрди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
“Хабар”нинг Самарқанд
вилоятидаги мухбири



кўприги

тадбирда ёшлар миллий алоқа оператори тармоғига улашиш имкониятига ҳам эга бўдилар.

Камилла КАЙСАРОВА,
UZMOBILE пиар-менежери:

— Компаниямиз тизим администратори, муҳандис-иқтисодчи, АТ-лойиҳалар менежери сингари тўққизта вакант иш ўрни билан иштирок этди. Ярмарканинг яқини натижаларига кўра, энг муносиб ёшларга мобил алоқа оператори офисида бўлиб ўтадиган интервью учун йўланмалар берилди. Истеъдодли, ташаббускор, ўз мақсади сари дадил интилувчи, энг муҳими, ахборот технологиялари соҳасида ривожланишни истаган ва шу орқали компания тараққиётига ҳисса қўша оладиган ёшлар учун барча шароитни яратиб беришга тайёрмиз.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларидаги истеъмолчилар ва иш берувчилар учун АКТ йўналишидаги олий маълумотли битирувчилар билан бевосита учрашиш ва келгусида шундай мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш имконияти мавжудлиги бу каби тадбирларнинг аҳамияти қанчалик катталигини англатади.

Машхура ҲАҚБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси кадрлар бўлими бош мутахассиси:

— Ҳозирги кунда бизда олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган, айниқса, тез ривожланаётган ахборот технологиялари соҳасини, хусусан, дастурчиликни яхши ўзлаштирган талабалар, айниқ-

са, 4-босқич талабалари учун кўплаб бўш иш ўринлари мавжуд. Келажакда бизнинг электрон биржа савдоларимиз ҳам ривожланиб боради. Шунинг учун ёшларга ярмаркада ўз маслаҳатларимизни бердик. Дипломларини қўлларига олишлари билан бизда ишларини давом эттирсалар бўлади. Бунинг учун улардан SQL, ASP.MVC, jQuery, HTML, CSS каби дастурлаш тилларини билиш талаб этилади.

Фаррух БОЛТАЕВ,
"Marcos Soft" дастурчилар маркази директори:

— Менежер, дастурлар сотувини амалга оширувчи (sales manager), шунингдек, 18та дастурловчилик бўш иш ўринларимиз билан иштирок этдик. Марказимизда ишлаш масаласи бўйича юздан ортиқ талабгор

мувожаат қилди. Айнан, дастурлаш тилларини ўрганиш борасида ҳам шунча ёшлар қизиқиш билдирди. Ўйлайманки, ушбу ярмаркада яхши дастурчиларни топиб, ишга оламиз. Бизда ўртача ойлик 4 млн. сўмдан ортиқ. Аммо янги ишчиларимизга стажировка муҳлати берилади.

Меҳнат ярмаркасида нафақат ТАТУ талабалари ва битирувчилари, балки университетни тамомлаган, аммо ўзига муносиб иш топа олмаган ёшлар ҳам қатнашди. Университет телекоммуникация мутахассислигини битирганига бир йил бўлган, лекин ҳали бирор жойда ишлашни бошламаган Муниса Ҳасанова шундай ёшлардан бири.

— Албатта, бундай ярмаркалар биз каби ёшларга керак, — дейди у таассуротлари билан ўртоқлашиб. — Бўш иш ўринлари кўп. Яхши мутахассис бўлсак, ишга жойлашиш имконимиз бор экан. Фақат бунинг учун билим даражамиз ҳам улар талаб қиладиган даражада бўлиши лозим экан. Таклиф қиладиган ойлик маошлари ҳам менга маъқул келди. Мен ишлашни истаган корхоналар 1 млн. 200

сўмдан 2 млн. сўмгача маош тўлашларини айтишди. Ўнга яқин бўш иш ўринларини топиб, уларга ўз резюмеларини қолдирдим. Ўйлайманки, тез орада ўз иш жойимизга эга бўламиз.

Дарҳақиқат шундай, бугун ишлайман, ўз салоҳиятимни юзага чиқараман деб астойдил ҳаракат қилган одам асло ишсиз қолмайди. Фақат бунинг учун чин дилдан истак ва шу истак рўёби учун интилиш кифоя. Бўш иш ўринлари ярмаркаси иш берувчилар ва ўқув муассасалари орасидаги алоқаларни янада яхшилаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш йўлидаги бир восита, холос. Яъни, битирувчи талаба учун аудиториядан меҳнат жабҳаси томон қўйилган мустаҳкам кўприк. Шу кўприкка кўрқмай қадам босиб ва ундан муваффақиятли ўтиб олиш эса ёшларимизнинг ўзларига боғлиқ.

Усмонов Йўлдошев,
"Хабар" мухбири

Фулумжон Назаров
олган суратлар.

ФАРФОНА

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 17 мартдаги "Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва худудий филиалларида 2018 йилда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишига биноан олий ўқув юртининг Фарғона филиалида 2017-2018 ўқув йили битирувчилари учун ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада 22та корхона ва ташкилотлар 26та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Филиал худудига жойлаштирилган барча корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари, ойлик иш ҳақлари, иш берувчи томонидан қўшимча имтиёзлар ва бошқа маълумотлар акс эттирилган баннер ва стендлар 250 нафардан ортиқ битирувчиларда катта таассурот қолдирди. Улар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича иш берувчи корхона ва ташкилотлар мутахассисларидан батафсил маълумотлар олдилар.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Хабар"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири



ҚАШҚАДАРЁ

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида ҳам меҳнат ярмаркаси уюшқоқлик билан ташкил қилинди. Унда соҳа корхона, ташкилот раҳбарлари, ТАТУ Қарши филиали ва касб-хунар коллежлари битирувчилари, шаҳар ва туман бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбарлари ҳамда мутасадди ташкилотлар масъул ходимлари иштирок этишди. Соҳа корхона ва ташкилотлари ҳамда вилоятдаги sanoat, қурилиш, банк-молия, иқтисодиёт корхоналари ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашиб, битирувчилар билан уч томонлама шартномалар имзолаш имконига эга бўлишди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, яқунлаётган ўқув йилида ТАТУ Қарши филиалини 218 нафар талаба битириш арасида турибди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири
Муаллиф олган сурат.



6 ОЖИДАЕМЫЕ СОБЫТИЯ

В УЗБЕКИСТАНЕ ВПЕРВЫЕ ПРОЙДЕТ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ ПРОГРАММА DIGIGIRLZ

DigiGirlz — программа Microsoft по инвестированию в образование в сферах науки, технологий, инженерного дела и математики для девушек.

В Узбекистане впервые пройдет образовательная программа DigiGirlz, сообщает пресс-служба университета ИНХА в Ташкенте.

Программа призвана подготовить работников будущего, готовых к вызовам и проблемам глобальной экономики.

Первая образовательная программа пройдет 10 апреля 2018 года в здании университета ИНХА в г. Ташкенте. Программа предоставит молодым девушкам возможность ознакомиться с секто-



ром технологий и новыми инновациями.

Образовательная программа будет состоять из двух блоков. В первом блоке участницы примут участие в лекциях пред-

ставителей корпорации Microsoft и специалистов, разбивших стереотипы и сделавших карьеру в нетрадиционной для женщин отрасли технологий.

Вторая часть будет состоять из практических занятий, которые покажут девушкам, что сфера информационных технологий может быть увлекательной и интересной.

В программе смогут принять участие девушки в возрасте 12-14 (младшая группа) и 15-17 лет (старшая группа). Заинтересованные девушки до 6 апреля 2018 года смогут зарегистрироваться на DigiGirlz через сайт digigirlz.uz. Количество мест ограничено (по 30 человек на каждую возрастную категорию). 7-8 апреля 2018 году зарегистрированные участницы примут участие в предварительных обязательных практических семинарах.

КОНФЕРЕНЦИЯ ПО БЛОКЧЕЙНУ
И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

28 апреля впервые в Узбекистане пройдет Международная конференция «Продвижение технологии Blockchain и принципы цифровой экономики».

Технология блокчейн шаг за шагом выходит на глобальную арену — это неизбежная технологическая революция, которая способна изменить не только индустрию финансовых услуг, но и многие другие отрасли и сферы жизни общества. Это система, построенная на основе математических алгоритмов, и за ней будущее.

28 апреля в International Hotel Tashkent впервые в Узбекистане состоится Международная конференция «Продвижение технологии Blockchain и



принципы цифровой экономики» — World Blockchain and Cryptocurrency Summit Tashkent.

Узбекистан имеет колоссальные человеческие и интеллектуальные ресурсы для перехода в новый век техно-

логий, которые привлекут огромный объем иностранных инвестиций в республику. Если нужно идти в ногу со временем, внедрять и использовать новаторские идеи, то нужно принять, осознать и внедрять уникальную

технология блокчейн в своей работе или бизнесе.

В мероприятии примут участие представители более 50 стран и не менее 100 организаций. В рамках встречи выступят 15 спикеров из Латвии, Голландии, Израиля, Бахрейна, Новой Зеландии, Австралии, Нигерии, Казахстана. Специалисты поделятся своими практическими навыками и текущими наработками с коллегами и пионерами отрасли в Узбекистане и соседних странах.

Участники Международной конференции обсудят актуальные вопросы цифровой экономики. Среди них проблема регулирования и налогообложения, анонимность данных, технология блокчейна,

майнинг, хранение и обмен криптовалюты. Кроме того, планируется обсудить вопросы возможных перспектив развития сотрудничества в инвестиционной сфере, взаимодействия в области ИТ.

Участники мероприятия узнают секреты мира криптовалют и технологии блокчейн, прогнозы развития рынка криптовалют до 2020 года, освоите техническую «магию» майнинга и принципы разработки криптовалют.

В рамках саммита состоится Uzbekistan ICO Show, на котором будут представлены проекты по наиболее многообещающей и быстроразвивающейся экономике Центральной Азии — Узбекистану.

» БИБЛИОТЕЧНАЯ ЖИЗНЬ

ПОПОЛНЯЕТСЯ ФОНД БИБЛИОТЕКИ

В нашей стране особое внимание уделяется повышению духовности народа, культуры чтения. Важное значение в этом направлении имеет постановление главы нашего государства Шавката Мирзиёева «О Программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года. Этот государственный документ служит еще большему утверждению в нашей жизни благородных ценностей и традиций, в частности, повышению культуры чтения, что имеет огромное значение для роста духовно-интеллектуального потенциала, расширения мировоззрения нашего народа, особенно молодого поколе-



ния, воспитания гармонично развитых личностей в духе любви и преданности Родине. Также способствует пополнению фондов библиотечных учреждений новой литературой.

За последнее время нашим центром приобретено 1097 экземпляров книг 660 наи-

менований, основную часть которых составляют учебно-методическая, публицистическая, научная и художественная литература. Среди новинок — пользующийся большим спросом энциклопедия. Одна из них «Медицинская энциклопедия» на государственном языке пред-

назначена как для специалистов — врачей различного профиля, студентов медицинских институтов, учащихся медицинских колледжей, так и для самого широкого круга читателей.

Есть переводы на узбекский язык лучших образцов мировой литературы. К примеру, выпущенная издательством «Адабиёт учқунлари» на латинской графике первая книга из знаменитой серии романов Джоаны Кэтрин Роулинг о Гарри Поттере «Гарри Поттер и философский камень».

С нашей страной связана история многих величайших личностей прошлого, имена которых вписаны золотыми буквами в историю человечества. Они являются гордостью нашего народа, их жизненный путь служит при-

мером для молодежи. Безусловно, среди новых книг особый интерес у книголюбов вызывает издание «Буюк аждодларимиз» («Наши великие предки»). Эта книга о жизнедеятельности великих полководцев и государственных деятелей Амира Темура, Джалалиддина Мангуберди, внесшие неоценимый вклад в мировую цивилизацию ученых и мыслителей Абу Райхана Беруни, Ибн Сино, Аль-Хорезми, Нажмиддина Кубро, Алишера Навои, Бабура.

Сотрудниками центра также созданы более 140 дисков — электронных вариантов редких книг и красавиц литературы.

Рузйаб КУЛМАТОВ,
библиотекарь Хорезмского областного ИБЦ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЯНГИ МИНИ-АТСлар ўРНАТИЛДИ

АҲОЛИ УНДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНМОҚДА?

Тошкент вилоятида 14та туман бўлиб, улар ичида пойтахтга туташлари билан биргаликда узоқ тоғли ва чекка ҳудудлар ҳам мавжуд. Ушбу туманлар аҳолисига сифатли телекоммуникация хизматлари кўрсатиш “Ўзбек-телеком” АК Тошкент филиали алоқачилари зиммасига юклатилган. Вилоят телекоммуникация тармоғини босқичма-босқич истиқболли ривожлантиришни мақсад қилиб олган алоқачилар айни кунларда бор куч ва имкониятларини ишга солган ҳолда астойдил меҳнат қилишяпти.

Олиб борилаётган сай-ҳаракатларнинг дастлабки натижалари кўриниб қолди. Вилоят ҳудудига замонавий, барча қулайликларга эга 54та кичик ҳажмли жами 7002 портга тенг Mini MSAN (АТСлар) қурилмалари ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

— Ушбу қурилмаларга туманлар телекоммуникация боғламасидан оптик толали алоқа кабеллари орқали боғланиляпти. Натижада алоқа тезлиги таъминланиб, истеъмолчиларга телефондан ташқари интернет, IPTV каби қўшимча хизматлардан фойдаланиш имкониятлари яратилди, — дейди филиал эксплуатация бўлими бошлиғи Акмал Мадиев. — Ушбу станциялар энергия тежамкорлиги, ташқи манбадан автоном равишда фойдаланган ҳолда максимал 4 соат давомида узлуксиз ишлаши, бир пайтнинг ўзиде оптик портлар орқали юқори тезликдаги замонавий GPON технология-



Суратда: Оққўрғон телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Саидазим САИДҒАНИЕВ ҳамда электромонтёр Ҳамидулла БАЙДУЛЛАЕВлар иш устида.

сида аҳолига кенг поласали интернет хизматларини тақдим этиш имкониятига эга эканлиги билан аҳамиятли. Станциялар орқали чекка ҳудудлардаги телефонлашмаган аҳоли масканларини камҳаржли оптик толали алоқа линиялари орқали интернет хизматлари билан таъминлаш мумкин.

Биз мазкур қурилмалар қандай самара бераётгани билан қизиқиб, Қуйичирчиқ тумани телефон боғламаси бошлиғи Бобур Абдураимов билан боғландик. Бобурнинг гапларига қараганда, туманнинг Мевазор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига ўрнатилган 128 портга тенг Mini MSANдан бутунги кунда 28 нафар фуқаро IPTV, 82 нафар мижоз интернет хизматларига уланиб, фойдаланяпти.

— Ён беш нафардан иборат жамоамиз аъзолари билан бу муҳим ишни амалга оширишда иштирок этдик, — дейди Бобур Абдураимов. — Станцияни монтаж қилиш, кабелларни тортиш, янги столбалар ўрнатиш ишлари тез ва сифатли амалга оширилди. Бу борада бош муҳандисимиз Бахтиёр Жиянбоев, электромонтёрлардан Санжар Ўринбоев, Равшан Диҳанбоевларнинг ҳиссалари катта бўлди. Айни пайтда мутахассисларимиз Майдонтол маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига ана шундай кичик қурилмани ўрнатишга тайёргарлик ишларини олиб боришяпти.

Mini MSAN қурилмалари ҳозирда вилоятнинг Бекобод, Оҳангарон, Ўртачирчиқ, Пар-

кент, Юқоричирчиқ, Пискент туманларида сифатли ишлаб турибди. Шунингдек, синов усулида Зангиота, Тошкент, Қибрай, Чиноз, Оққўрғон, Янгийўл, Бўка туманларида ҳам ишлатилияпти. Ангрэн шаҳри аҳолиси ҳам Mini MSAN станциялари хизматларидан фойдаланишяпти. Олмалик шаҳар Депо мавзеси ва Ипак йўли ҳудудларида, Бекобод шаҳрининг Муқимий МФИда ўрнатилган кичик ҳажмли станциялар орқали ҳозирги кунда жами 4000га яқин аҳолига vDSL, IP-TV ҳамда юқори тезликдаги интернет хизматлари тақдим этилмоқда. Энг асосийси, қишлоқ аҳоли масканларининг оптик кабел орқали интернет хизматларига уланишларига эришилди.

Абдурашид АБДУМУМИНОВ, “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали директори:

— Вилоятимиз аҳолисига кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари сифатини ошириш, шунингдек, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолини хизматларимиз билан тўлиқ таъминлашда “Кенг поласали тармоқни ривожлантириш дастури” асосида иш олиб бораётганимиз ўз самарасини берапти. Жами 7002 портга тенг 54та кичик ҳажмли MSAN қурилмалари ўрнатилиб, фойдаланишга топширилганлиги ҳам ана шу дастур ижроси билан боғлиқ.

Ўтган йилнинг тўртинчи чорагида бошланган бу муҳим вазифани амалга оширишда филиалимиз мутахассислари билан биргаликда жой-

лардаги туман телефон боғламалари алоқачилари ҳам жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди. Ҳали олдимизда янада улкан марралар турибди. Биз жорий 2018 йилда яна 25 та Mini MSAN қурилмалари ўрнатишни режалаштирганмиз. Ва бу ишни амалга ошириш орқали вилоятимиздаги ҳар бир туман аҳолиси хизматларимиздан баҳраманд бўлишларига эришмоқчимиз.


Вилоятимиз аҳолисига, агар жойларда телефон, интернет, IPTV хизматлари сифати ҳақида эътирозлари бўлса, мижозларни қўллаб-қувватлаш маркази (+99870-2021084)га қўнғироқ қилишлари мумкинлигини яна бир бор эслатиб қўймоқчиман.

Алишер ХУДОЙБЕРГАНОВ, филиал техник директори:

— Ўрнатган қурилмаларимиздан ҳозиргача 4000 нафарга яқин абонент фойдаланяпти. Албатта, қурилмаларни ўрнатиш билангина иш битмайди, яратилган имкониятлар ҳақида аҳолини хабардор қилиш ҳам муҳим масалалардан бири. Қурилма ўрнатилса-ю одамлар билмаса, катта маблағ эвазига ўрнатилган станция етарли фойда келтирмайди. Биз қурилмалар ўрнатилганидан ва унинг имкониятларидан аҳолини хабардор қилиш мақсадида жойлардаги маҳалла фуқаролар ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари билан учрашувлар ўтказдик, аҳоли гавжум жойларга, кўп қаватли уйларнинг кириш

йўлакларига ушбу станциялардаги хизматлардан фойдаланиш юзасидан кичик эълонлар жойлаштирдик. Бу ишларимиз ўз самарасини узоқ куттирмади. Ўзлари учун яратилган имкониятдан хабар топган маҳаллий аҳоли хизматларимиздан фойдаланиш ҳақидаги аризалари билан кела бошладилар.

Бугунги кунда мижозларимиз томонидан интернет, IP-телевидение хизматларига талаб кўпроқ бўлиб, бир пайтнинг ўзиде юқори тезликдаги интернет хизматларига ҳам уланишяпти. Биз келгусида улар талабини инобатга олган ҳолда иш юритамиз. Зеро, халқни рози қилиш олий мақсадимиз.



Манаснинг янги қиёфаси

УяА олган суратлар.

ЖИЗЗАХДАН МАНАСТАЧА

Манас қишлоғида мобил алоқа хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида мобил алоқа операторларининг мавжуд таянч станцияларида 3G тармоғи ташкил этилди.

“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, халқ билан мулоқот, одамларнинг муаммоларини ўз вақтида ва жойида ҳал қилишнинг самарали механизмларини яратишда ахборот-коммуникация технологияларининг босқичма-босқич жорий этилаётгани кўл келмоқда.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Идораларо ягона ижро интизоми электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишига кўра, мамлакатимиз ҳудудларида Идораларо ягона ижро интизоми электрон тизими (кейинги ўринларда — Ягона тизим)ни жорий этиш белгиланган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ишчи гуруҳи Жиззах вилоятида шу фармойиш доирасида жорий йилнинг биринчи чораги давомида кенг кўламли ташкилий чора-тадбирлар ва амалий ишларни бажарди. Мисолларга ўтамиз.

Вилоят ҳокимлигидаги 50га яқин, шаҳар ва туманлар ҳокимликларидаги 230дан зиёд, ва-

зирлик, қўмита ва инспекцияларнинг вилоятдаги бошқарма ва туманлардаги бўлинмаларида ишлаб келаётган 400дан ортиқ масъул ходимлар учун Ягона тизимда ишлаш кўникмасини яратиш ва билимларини мустаҳкамлаш бўйича семинар-тренинглари ташкил қилинди.

Тошкентдаги Мирзо Улуғбек инновация марказининг резидентига айланиб юртимизда АКТни ривожлантириш учун инвестиция жалб этиш, дастурий маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятлари жиззахлик тадбиркорларни ҳам қизиқтирмоқда. 2017 йили вилоятда шу инновация маркази резидентлари сони атиги бир нафар эди, вазирликнинг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 2018 йил биринчи чораги якуни бўйича жиззахлик резидентлар сони уч нафарга етди, яна икки нафар тадбиркор инновация маркази кенгашининг ҳарорини кутмоқда.

Дастурий маҳсулотлар бозорини шакллантириш, дастурлашга қизиқиши бор ёшларга имконият яратиш мақсадида инновация маркази резидентлари томонидан Жиззах шаҳрида дастурлаш бўйича малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга мўлжалланган ўқув марказлари ташкил қилинган. Ушбу марказларда 20 нафарга

яқин ёшлар дастурлаш бўйича ўз билим ва кўникмаларини оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси асосида мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва ижтимоий муҳитини яхшилашга қаратилган “Обод қишлоқ” лойиҳаси доирасида вилоятимизнинг Дусллик туманидаги Манас қишлоғида кенг ислохотлар амалга оширилди.

Турли вазирлик ва идоралар иштирокидаги бу жараёндан, албатта, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳам четда қолгани йўқ.

“Ўзбектелеком” АК Жиззах филиали томонидан Манас қишлоғидаги хонадонлар ва инфратузилма объектларида кенг полосали интернет тармоғини ташкил этишга қаратилган лойиҳа доирасида оптик тоналли алоқа линиясини ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қишлоқ марказигача 8,4 километр масофада оптик тоналли алоқа линияси ўтказилиб, 96 портли битта MiniMSAN қурилмаси ўрнатилди. Натيجада қишлоқдаги иккита мактаб, иккита мактабгача таълим муассасаси FTTB технологияси асосида Ziyonet таълим порталига уланди. Маҳалла маркази, профилактика инспекторининг назорат хонаси, қишлоқ оилавий поликлиникаси, мада-

ният саройида кенг полосали интернет хизматларидан фойдаланиш имкони яратилди. Шунингдек, манасликларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини ошириш мақсадида вазирлик томонидан беғараз ёрдам сифатида 10та компютер ва техникалар билан жиҳозланган синфхона ташкил этилди. Қолаверса, электрон давлат хизматларидан масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи инфокиос қурилмаси ўрнатилди.

Манас қишлоғида мобил алоқа хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида мобил алоқа операторларининг мавжуд таянч станцияларида 3G тармоғи ташкил этилди. Шунингдек, “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали томонидан 3G стандартидаги янги таянч станцияси ўрнатилиб, ишга туширилди ва манасликларга мобил интернет хизматларидан эркин фойдаланиш имкони яратилди. Қўшимча тарзда мобил алоқа операторлари томонидан Манас қишлоғида кўчма савдо масканлари ташкил этилди.

Маҳмуд ФИЁСОВ,
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси

САЙЁХ УЧУН АЛОҚА ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

◀ 1-бет.

Президентимизнинг ички туризмни ривожлантириш борасида илгари сурган ташаббуслари ҳам ҳаққимиз кўнглидаги гап бўлди. Ўзбекистонда яшаб ўзбекистонни билмайдиган одамлар жамоа бўлиб, тарихий шаҳарларимиз, муқаддас қадимжоларни қайта кашф этишмоқда.

Бизнингча, бу жараёнда ҳар бир ташкилот ва муассаса, шу юртининг ҳар бир фуқароси фаол бўлиши зарур. Шунда бошланган хайрли ишлар янада жадаллашади. Меҳнатлар маҳсули тезроқ кўзга ташланади.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ҳам ўз йўналишида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросига масъулият билан ёндашади.

Инспекция раҳбариятининг кўрсатмаси асосида йил бошидан тарихий обидалар, муқаддас қадимжолар жойлашган ҳудудлардаги алоқа қамровлари ўрганиб чиқилди.

Аввало, Ўзбекистоннинг ташриф қоғозига айланган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги алоқа хизматлари синчковлик билан кўриқдан ўтказилди.

Ўрганиш кўрсатишча, Самарқанд шаҳрида жами 107та меҳмонхонадан 11таси оптик толали кабел орқали, қолган меҳмонхоналар ADSL технологияси асосида интернет тармоғига уланган. Меҳмонхоналар ҳудуди барча мобил алоқа хизматлари билан тўлиқ таъминланган.

Бироқ, вилоятда жойлашган муқаддас қадимжоларнинг барчасида ҳам мобил алоқа операторларининг қамрови кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги Хўжа Дониёр ва Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Пайарик, Нуробод туманларида жойлашган зиёратгоҳларда қамров билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Жумладан, Хўжа Дониёр зиёратгоҳи ҳудудида “COSCOM”, “Uzmobile

(GSM)”, “Uzmobile (CDMA)”, “RWC” мобил компанияларининг 2G технологияси сигналлари қоникарли, бироқ 3G технологияси сигнали талаб даражасида эмас. Бу борада фақатгина “UMS” компаниясининг 2G ва 3G технологиясида муаммолар учрамайди.

Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи ҳудудида “COSCOM”, “UMS”, “RWC”, “Unitel” компанияларининг 2G ва 3G қамровлари талаб даражасида, “Uzmobile (GSM)”нинг 3G сигналлари етарли эмас.

Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи ҳудудида “UMS”, “COSCOM”, “Uzmobile (GSM, CDMA)”, “Unitel” компанияларининг хизмат сифатида муаммолар учрамайди. Бироқ, “RWC” сигнали қамрови етарли эмас.

Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи ҳудуди фақатгина “Ўзбектелеком” АК “Uzmobile” филиалининг 2G ва 3G алоқа қамрови билан яхши таъминланган, бугунги кунда мазкур зиёратгоҳга яқин ҳудудда “Unitel” МЧЖ томонидан янги таянч база станцияларини ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмида Wi-Fi зоналарини ташкил этиш ва бутунжаҳон интернет ахборот тармоғига уланиш имкониятини яратиш мақсадида ҳозирги кунда “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали томонидан Регистон майдони, Самарқанд темир йўл вокзали, Самарқанд аэропорти, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиний музей-қўриқхонаси, Сиёб бозори ҳамда Ҳазрати Хизр масжиди ва Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг мақбараси ҳудудларида Wi-Fi зонаси ташкил қилинган бўлса-да, бугунги кунда фаолият кўрсатмаяпти.

Шунингдек, бошқа объектларда ҳам Wi-Fi зоналарини ташкил этиш бўйича “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали ва “ЎЗИ-Самарқанд” филиали билан ҳамкорликда

ишлар олиб бориляпти.

Хоразм вилоятида ҳам аҳолига сифатли алоқа ва интернет хизматларини кўрсатиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Бироқ, сайёҳлар кўп тўпланадиган тарихий масканларни симсиз ва тезкор интернет тармоғи билан қамраб олиш борасида муаммолар мавжуд.

2014 йилда “Ўзбектелеком” АК томонидан Урганч темир йўл вокзалида 4та нуқтада, Урганч аэропортида 5та нуқ-

Вилоят ҳокимликлари ҳам тарихий масканларга келаётган сайёҳларга бепул интернет хизматларини тақдим этиш орқали улар ташрифни рағбатлантирса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

тада, Хива шаҳрининг Ичанқалъа ҳудудида 34 нуқтада Wi-Fi зонаси ташкил қилинган. Бироқ, бугунги кунда ушбу Wi-Fi интернет тизими фақат Урганч темир йўл вокзали ҳудудида ишлаб турибди. Сабоби, интернет трафиғи учун тўловни Урганч темир йўл вокзали маъмуриятдан бошқа ҳеч бир ташкилот ўз зиммасига олмаган.

Бу муаммолар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда инспекция ҳудудий бўлими

ҳамкорлигида ўрганилиб, тегишли тартибда ҳал этилиши устида иш олиб бориляпти.

2017 йил 16 декабр куни Хоразм вилоят ҳокими ўринбосари ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармасига юқоридаги объектлар маъмуриятлари “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиалидан мавжуд интернет карталарини сотиб олиб, хоржий сайёҳларга етказиш тизimini ташкил қилишлари таклифи берилиб, бу орқали улардаги Wi-Fi интернет тизimini ишлаштиришга тайёр эканлиги билдирилди.

Шунингдек, Хива шаҳридаги жами 37та меҳмонхонадан 32таси симли телефон алоқаси ҳамда интернет тармоғига уланган. Қолган 5та меҳмонхонада қурилиш ишлари охирига етказилмаган ва шу сабабли телефонлаштирилмаган. Ушбу зонада барча мобил алоқа хизматлари бўйича қамров 100 фоизни ташкил этади.

Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилояти сайёҳлик салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан вилоятдаги сайёҳлар тўпланадиган гажвум жойларда Wi-Fi ҳудудларини яратиш билан боғлиқ вазифалар белгиланган эди.

Қарор асосида Бухоро шаҳридаги барча тарихий қадимжоларда узоқ масофада ишлаб туришга тайёр қилинган. Тасдиқланган жадвал асосида хизмат ишга туришириляпти. Шунингдек, Бухоро шаҳрида мавжуд 100дан ортиқ меҳмонхонада замонавий симсиз Wi-Fi интернет хизматлари жорий этилган.

Вазирлиқнинг ҳудудий бошқармаси ва инспекция ҳудудий бўлими томонидан бу борадаги ишлар мониторинги олиб боришмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза, бутун пойтахтимиз ва вилоят марказларида фаолият олиб бораётган турли кўнгилочар

ва савдо мажмуаларида миқдор учун бепул Wi-Fi зоналари тақдим этиляпти. Ижара асосида планшет ва бошқа электрон қурилмалардан маълум вақт фойдаланиш мумкин. Бу биринчидан, бу жойларга келувчи харидорларни ўзига жалб этса, иккинчидан, тадбиркорлик субъектига қўшимча даромад дегани.

Вилоят ҳокимликлари ҳам тарихий масканларга келаётган сайёҳларга бепул интернет хизматларини тақдим этиш орқали улар ташрифни рағбатлантирса, фойдалан ҳоли бўлмайди.


Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган алоқа операторлари ҳам тарихий шаҳарларимиз, муқаддас қадимжолар ҳудудидаги алоқа қамровини ўрганиб, хизмат сифатини замон талабларига етказса, аввало, ўз зиммасидаги мажбуриятни бажарган ва қолаверса, юртимиз туризм салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшган бўлар эди.

Сир эмас, бирор бир мамлакатта борсангиз, энг аввало, соғ-омон этиб келганингиздан уйдагиларни хабардор қилишга шошиласиз. Иқтисоди тарраққий этган, туризм ривожланган мамлакатларда бу борада муаммолар учрамайди. Сиз, турли пакетдаги сим карталар орқали алоқа хизмати-дан фойдаланишингиз мумкин. Сафар давомида мобил телефонингиз бекам-кўст ишлаб турса, ўзингизга ишончингиз мустаҳкам бўлади.

Юртимизга келаётган сайёҳларни ҳам ўзимизга қисбласак, масала моҳияти янада ойдинлашади.

Бу борада “Uzmobile” компанияси томонидан туристлар учун махсус тарифларнинг ишлаб чиқилгани, мобил рутерни ижарага бериш хизматларининг жорий этилганини олқишласа арзийди. Бошқа компаниялар ҳам бу борада ўзаро рақобатга киришса, нур устига нур бўларди.

Дилшод БҒРИЕВ,
инспекция матбуот котиби



БОЛАГА НЕЧА ЁШИДАН КОМПЮТЕРГА РУХСАТ БЕРИШ КЕРАК?



Бугунги болалар электрон қурилмаларга жуда чанқоқ (айниқса смартфон ва планшетларга): оддий ўйинчоқ олиб берсанеиз узоғи билан бир кун ўйнайди ёки йўқ. Кейин навбат яна смартфонга...

Каролин Жейнс, Болалар учун ўргатувчи онлайн маҳсулотлар чиқарувчи Leapfrog Enterprises компанияси ходими:

"Гўдакнинг қурилмадаги тугмаларни босишни яхши кўриши ва видео томоша қила олиши асло унинг компютерда ишлашга тайёр эканини аниқламайди".

Жейннинг таъкидлашича, икки ёшгача бўлган болалар дунёни реал ҳаракатлар ва муносабатлар орқали англайди. Бола компютер қаршисида ўтказган вақтда эса бу нарса содир бўлмайди. Болаларни уч ёшидан электрон қурилмалар билан таништиришни бошлаш мумкин, дейди Жейнс. Аммо компютер ва планшетлардан болалар фақат махсус компаниялар ишлаб чиққан таълим контентини ўрганиш мақсадида фойдаланишлари керак.

Аксарият экспертлар бола аввал мактаб ёшига етишини кутишни ва шундан кейингина уни компютерга яқинлаштиришни тавсия қилишади. **Маната (Флорида, АҚШ) мактаб округи таълим технологиялари куратори Женин Галиндо**нинг айтишича, кўп нарса боланинг қурилмадан қандай фойдаланишига боғлиқ; яъни у ота-она назорати остида ёки кўчада ўйнаётими?

— Назорат муҳитида ҳатто 4-5 ёшли болалар ҳам смартфон ёки планшетдан фойдаланишлари мумкин, чунки улар бирон нимани ўрганиш билан машғул бўладилар. Назоратсиз муҳит (бола уйда ёлғиз қолиши, кўчада бўлиши)да эса бола то 11-13 ёшга етмагунча унга смартфон ва планшет олиб бериш тавсия этилмайди, — дейди Женин Галиндо.

Халқаро нуфузга эга клиник психолог Кэтрин Штайнер-Адэр ўзининг "The Big Disconnect" ("Улкан ажраттич") китобида бола ва компютер муносабатлари масаласини кўтарган. Китобнинг "Технология — болалик кушандаси" бўлимида ёзилишича, компютер, смартфон ва планшетларга сарфланган вақт кейинчалик болаларнинг ўзаро ва ташқи дунё билан мулоқотга киришишларини қийинлаштиради.

Бола нима ўйнаётми, интернетда ким билан мулоқот қиляпти-ю нималарни ўрганапти — буларни ота-оналар яхши билиши лозим, дейди муаллиф. Интернетнинг яхши томонлари кўп, бироқ компютер ўйинлари, экран юзасига тинмай қалқиб чиқувчи рекламалар, ижтимоий тармоқлар, ахлоқий бузуқлик кони бўлган веб-сайтлар боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Психологнинг айтишича, глобал тармоқнинг энг катта хавфи айнан болаларнинг ўз ёшига мос бўлмаган ахборотга дуч келишидир.

ИНФОГРАФИКА

БОЛА ва КОМПЮТЕР

Компютерга қарамлик аломатлари:

	Компютерда ишлаш вақтини интиқлик билан кутиш		Ўзига ишончсизлик
	Вақт назоратини йўқотиш		Компютер қаршисида кўпроқ ўтириш истаги
	Кўзларда намлик камайиши		Бетартиблик
	Тажанглик, бепарқлик, тажовузкорлик		Компютердан узоқлашмай овқатланиш истаги
	Уйқунинг бузилиши		Бошқа машғулотларга қалғий олмаслик

КРОССВОРД

ЭНИГА: 10. Йиртқич қуш. 11. Одиссейнинг ватани. 12. Илон. 13. Пахлавон. 14. Балиқ тури. 15. Ўзбек уруғи. 16. Сузиш усули. 18. Виллоят маркази. 20. Рим папаси тожи. 22. Дорихонада бўлади. 24. Нишолда тайёрлашда ишлатиладиган ўсимлик. 25. Кеманинг оқим бўйлаб сузиши. 26. Ёпишқоқ тасма. 27. Днепрнинг сўл irmoғи. 28. Туркиядаги шаҳар. 30. Қуш. 37. "Еттинчи ..." (филм). 38. Ернинг газсимон қобиғи. 39. Денгизчилар тилида "шарқ". 42. Ҳаводаги "ҳайдовчи". 43. Гастрол. 44. Фирибгар, товламачи.

БЎЙИГА: 1. Қимматбаҳо шиша. 2. Заҳар. 3. "Судхўрнинг ўлими" асари муаллифи. 4. "... Лир". 5. Гидротехник иншоот. 6. Тасанно, офарин. 7. Монблан, Казбек. 8. Фасл. 9. Арман таоми. 17. "Дон Кихот" романи муаллифи. 19. Ток кучини ўлчаш асбоби. 21. Хоҳиш, ният. 23. Худуд, туман. 29. Ер - Қуёшдан ... сайёра. 31. Шер. 32. Ҳомий. 33. Америкалик астронавт. 34. Москва дарёси irmoғи. 35. Ҳарбий бош кийим. 36. Мартаба, лавозим. 40. Франциядаги дарё. 41. Мусиқий соз.

БОШҚОТИРМА

ЧАП ОЁҚ УСУЛИ

Англиянинг "Хитинг Бредшоу" футбол клуби мураббийи Эрик Лоуэлл ўйинчиларини чап оёқда тўпни яхшироқ тегишга ўргатиш учун бир янгиликни киритди. Қизиги, бу яхши самара берди.


Топингчи, Лоуэллнинг янгилиги нимадан иборат эди?

(Жавоби келгуси сонда.)


Ўтган сондаги бошқотирманинг жавоби

ДАВЛАТНИНГ МИЯСИ ВА ЮРАГИ

Жан-Жак Руссонинг таъкидлашича, давлатнинг мияси — ижроия ҳокимияти, юраги — қонун чиқарувчи ҳокимият.



КОМПЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ



икки нусхада мавжуд: сиз уни олган дастлабки ўрнида ва уни қўйган янги жойда.

Сиз файл ёки папкани нусха олмасдан ҳам бошқа жойга кўчиришингиз мумкин. Бу амалиётнинг иккинчи нусхасини яратмайсиз ва ўша ягона файлнинг ўзини бошқа жойга, таъбир жоиз бўлса, силжитасиз. Бу амалиётда ҳам ҳаракатлар кетма-кетлиги нусха олишни-ки билан бир хил. Бунда фақат "Копировать" функциясидан эмас, балки "Вырезать" ("Қирқиб олиш")дан фойдаланиш керак.

Яна бир усул бор: бунда керакли объект жойлашган папкани очасиз ва сичқонча чап тугмасини файл ёки папка устида босиб туриб (қўйиб юбормасдан) уни бошқа муайян папка устига олиб бориб (сичқонча стрелкаси буни кўрсатиб туради) сичқонча чап тугмасини қўйиб юборасиз, шунда ўз-ўзидан файл ёки папка бошқа папканинг ичига батамом кўчиб ўтади. Бу усул тажрибалироқ фойдаланувчилар учун. Масалан, файлни ўтказиш жараёнида бошқа папканинг устида тугмачани бехосдан қўйиб юборсангиз файлингизни "йўқотиб" қўйишингиз мумкин. Ёки бу усулда дисклараро (C, D дисклар ёки флэшка) кўчириш бажарилса фақат нусха олиш амалиёти бажарилиб, файлларнинг эски шакллари қолиб кетади. Шу боис бошланишига нусха олиш ёки кўчиришда дастлабки икки усулдан фойдаланиб турган маъқул.

8-ДАРС. Папка ва файлларни қайта номлаш, нусха олиш ва жойлаштириш

■ Папка ва файлларни қайта номлаш


Папкани қайта номлаш учун сичқонча курсорини керакли объект устига олиб боринг. Сичқончанинг ўнг тугмасини босинг. Менюдан "Переименовать" ("Қайта номлаш") бандини танланг ва ўзингиз истаган номни киритинг. Керакли объект устида сичқонча чап тугмачасини бир марта, кейин клавиатура тепа қаторидаги F2 клавишини босиб ҳам бу амални бажариш мумкин. Бу икки амал папка ва файллар номини ўзгартириш учун бир хилла мос келади.

■ Папка ва файллардан нусха олиш ва жойлаштириш

Компютерда ишлаганда файл ва папкаларни тез-тез бошқа жойга кўчириб туришга тўғри келади. Бунинг учун керакли объектдан нусха олиш керак бўлади. Фотоаппаратдаги суратларни кўчириш, интернетдаги матнли хабарлар, мусиқа, видео ёки флэш-хотиралардан нусха олиш мумкин. Бу усуллардан энг оддийсига тўхталамиз.

Сичқончанинг ўнг тугмасини ўзингиз бошқа жойга кўчиришни истаган файл ёки папканинг устига бир марта босинг. Шунда объект белгилаб олинади. Шу билан бирга рўйхат пайдо бўлади. Унда "Копировать" ("Нусха олиш") бандини танланг.

Энди компютерингизда ўша объект жойлаштирилиши керак бўлган жойни очинг. Бу C ёки D локал дисклари, флэшка ёки папка бўлиши мумкин. Демак, ўша янги очилган жойда бўш



1

жойда сичқончанинг ўнг тугмасини босинг. Яна рўйхат пайдо бўлади, унда "Вставить" ("Қўйиш") бандини танланг (1). Энди бу файл ёки папка


■ Бир нечта папка ёки файлларни кўчириш

Бир нечта объектдан нусха кўчириш учун аввало уларни белгилаб олиш керак. Бунинг учун кўчириладиган файлларнинг ёнидаги бўш жойга стрелка (курсорни) жойлаштиринг. Сичқонча чап тугмасини босиб туриб (қўйиб юбормасдан) сичқончани силжита бошласангиз курсор файлларни тўғри тўртбурчак шаклида белгилашни бошлайди. Сиз ўзингиз учун керакли файллар ва папкаларни белгилаб олинг. Улар бир хил тусга кирдимиз, демак, улар белгиланди. Энди сичқонча чап тугмасини қўйиб юборинг.

Курсорни белгиланган файллар устига олиб бориб, сичқонча ўнг тугмасини босинг. "Копировать" ёки "Вырезать" бандидан бирини танланг. Керакли жой (папка)ни очинг. Сичқончанинг ўнг тугмасини босинг. "Вставить" бандини танланг.

■ Файл ёки папкани ўчириш

Курсорни танланган папкага олиб боринг. Сичқонча ўнг тугмасини босиб, рўйхатдан "Удалить" ("Ўчириш") бандини танланг. Сичқонча чап тугмасини босинг. Шунда сиздан бу ҳаракатни тасдиқлаш ёки тасдиқламасликни сўровчи ойна пайдо бўлади. Агар ўчирмоқчи бўлсангиз "Да" ("Ҳа")ни, ўчиришни истамасангиз "Нет" ("Йўқ")ни танланг (2). "Ҳа"ни танласангиз сиз танлаган объект компютер саватчасига бориб тушади. Саватчага келиб тушган объектларни тиклаш мумкин. "Корзина" ("Саватча") ёрлиги доим компютернинг бош экрани — иш столида туради. Унга кириб келиб тушган файлларни тиклаш ёки бутунлай ўчириб юбориш мум-



2

кин. Бутунлай ўчирилган файлларни қайта тиклаш деярли иложсиз. Махсус дастурлар керак, улар ҳам ҳар доим кафолат бўлолмайди. Шунинг учун ҳар бир файлни ўчириб юборишдан олдин унинг кейин керак бўлиши-бўлмаслиги ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг.

■ Ойналарни бошқариш

Сиз папка ёки дастурни очдингизми, демак, турли файллар (белгилар) жойлашган ойнани очасиз. Ҳар бир дастур алоҳида ойна бўлиб очилади. Бир пайтнинг ўзида бир нечталаб ойнани очса бўлади. Барча очилган ойналар иш столида кўришиб туради. Қайси бирида ишламоқчи бўлсангиз курсорни ўша ойна устида босишингиз керак. Ойналарнинг жойлашувини, ўлчамларини ўзгартиришингиз мумкин, бунинг учун уларнинг тепа ўнг бурчагидаги белгилардан фойдаланасиз.

- ойнани ёпиш (дастурдан чиқиш);
- ойнани кичрайтириш (ойнани иш столининг пастига тушириш);
- ойнани экран катталигида кенгайтириш;
- ойна ўлчамини кичрайтириш ёки олдинги ҳолатига қайтариш.



3

Кичрайтириш Кенгайтириш Ёпиш

Кичрайтирилган очиқ ойнани иш столи бўйлаб силжитиш ёки сичқонча тугмаси ёрдамида ўлчамини ўзгартириш мумкин.

Экраннинг ўнг томонида жойлашган ўтказиш чизиқлари ойнанинг ичида жойлашган объектлар (файллар, матн бўлса унинг қаторлари)ни кўриш имконини беради. Бунинг бир нечта усули бор:

- Курсорни стрелкаларга олиб боринг ва сичқонча чап тугмасини босинг.
- Курсорни ўтказиш чизиқлари силжитгичга олиб боринг ва сичқонча чап тугмасини босиб туриб (қўйиб юбормасдан) силжитгични тепага ва пастга суринг.
- Курсорни силжитгичга олиб бориб сичқонча чап тугмасини босиб олиб сичқонча филдирани тепага ва пастга айлантинг.

(Давоми. Бошланиши газетанинг ўтган сонларида.)

Сабоқларимизни кўзатиб боринг! 9-дарсимизда Windows 10 амалий тизимида ишлашнинг ўзига ҳосилларига тўхталамиз.

12 АЛОҚА ОЛАМИДА



ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР

ZTE компанияси 5G тармоғида биринчи кўнғироқни амалга оширди



Хитой телекоммуникация гиганти — ZTE Group биринчи кўнғироқни муваффақиятли амалга оширгани ҳақида “Синхуа” агентлиги хабар тарқатди.

Нашрнинг қайд этишича, бу янги қадам Хитойни бошқаларнинг изидан боровичидан бошқаларга йўл бошловчи мамлакатга айлантирди.

Бешинчи авлод тармоғи 2020 йилдан мамлакатда тижорий фойдаланишга топширилади, 2025 йилдан эса Хитой энг йирик 5G бозорига айланади.


ХОТИРА ҚУРИЛМАЛАР

Verbatim “ўтда ёнмас, сувда чўкмас” флэшка чиқарди

ToughMAX USB 2.0 дея номланган бу сақлагич KingstonMAX бирикмаси — термопластик материалдан тайёрланган бўлиб, металлнинг ўрнини эгаллаган ва ўта мураккаб шартларга мўлжалланган.

KingstonMAX санаотда тоғ-вепелларидан тортиб қирувчи самолётларгача ишлаб чиқаришда қўлланилади. Ушбу материалдан ясалган ToughMAX сақлагичи 2 250 килограммгача босимдаги зарбага, сув остига 30 метргача чуқурликка тушиб кетганида, ҳарорат -25 даражадан то 150 даража иссиқликкача кўтарилганида чидаб беради.

Ҳозир Amazon.com сайтида бу сақлагичнинг 32 Гб симилиси 18 долларга сотилмоқда.



лоси-

ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Қоғозсимон дисплей электр токсиз ишлайди

Хитой ва Гонконг олимлари буклувчи суюқ-кристалл дисплей ишлаб чиқишди. Дисплей келажакда кўп марта ишлатиладиган электрон газеталарга мўлжалланган. Бу дисплейнинг қалинлиги ярим миллиметр ҳам чиқмайди, пишқиқ ва енгил ишланган.

Ушбу қайта ёзилувчи дисплейлар бошқа дисплейлардан электр токсиз ишлаши билан фарқ қилади. Ичига суюқ кристаллар жойланган икки пластинадан бирининг юзасига махсус қоплама қилинган. Унинг молекулалари қўтелланган ёруғлик таъсирида узгаради ва пикселларни ишга туширади.

Худди электрон китоблар экранига ўхшаб, бу янги дисплейлар ҳам жуда тежамкор, экрандаги тасвир бошқасига алмаштирилсагина тоқ сарфланади.



БОЗОР

Ҳазил қимматга тушди: Tesla акциялари 5 фоизга арзонлашди

Элон Маск биринчи апрел куни ўзининг Tesla компанияси батамом банкрот бўлганини эъон қилди. Албатта, бу ҳазил эди. Аммо бу чин деб тушунган айрим сармоядорлар ўз пулларини қайтариб ола бошлашди. Натижада 2 апрел кунги савдолар якунига кўра компаниянинг Нью-Йорк фонд биржасидаги акциялари 5,1 фоизга қийматини йўқотди. Бунга NASDAQ маълумотлари ҳам шохидлик беради.

Тўғри, акцияларнинг пасайишида Tesla Model X автомобили ҳайдовчисининг ҳалокатга учраши билан боғлиқ воқеанинг ҳам ўрни бор.

Уша воқеа сабаб компания бошқарув рудидаги гидрокучайтиригичдаги муаммоси бор S туркумига кирувчи 123 мингта седан машиналарини қайтариб олганли. Элон Маск айна айна шу воқеа компанияни инқирозга олиб келганини 1 апрел ҳазилида билдирганли.

КОМПАНИЯЛАР

Microsoft: йирик ислоҳотлар бўсағасида

Microsoft бош директори Сатя Наделла ходимларига хат йўллади. Хатда компания тарихидаги энг йирик қайта ташкил этиш амалга оширилиши билдирилган.

Компаниянинг Windows and Devices Group шўъбаси тугатилади. Иккита янги: қурилмалар (Experiences & Devices) ҳамда будутли ечимлар ва сунъий интеллект (Cloud + AI Platform) ишлаб чиқарувчи бўлимлар очилади.

Ислоҳотлар орқали компания будутли ечимлар, сунъий интеллект, нарсалар интернетига каби янги йўналишларда фаолиятини ривожлантиришни режалаштирган.



С.ТЕМИРОВ тайёрлади

ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Ғазо секторида тиббий ислоҳотлар

Қатар давлатининг Қизил ярим ой жамияти Ғазо секторида соғлиқни сақлаш бўйича ислоҳотлар учун 1 миллион доллар ажратишини маълум қилди.

“Дастур икки йил вақт ичида амалга оширилди ва унинг мақсади тиббий хизматлар сифатини оширишга қаратилди”, — дейилади ташкилот маълумотида.

Ислоҳот Фаластин тиббий мутахассислари имкониятларини рағбатлантириш ва Ғазо секторида мавжуд бўлмаган юксак малакали хорижий шифокорлар билан шартномалар тузиш мақсад қилиб олган. Шунингдек, қамалга олинган ҳудуддан чиқиш имконига эга бўлмаган шифокорларнинг касбий малакаларини ошириш ҳам мўлялаштирилади.

Россия Исроил ва Фаластинни яраштиришга тайёр

Россия ҳукумати Яқин Шарқдаги ҳолатдан ташвишда эканлиги ва Исроил ва Фаластин ўртасида ўтказиладиган музокараларда тарафдор сифатида иштирок этишга тайёрлигини билдирди.

БМТ ташкил этган фавқулодда йиғилишда Россия Федерацияси хавфсизлик уюшмаси доимий вакили ўринбосари Владимир Сафронков сўзга чиқиб, шу ҳақда маълум қилган. Унинг сўзларига кўра, Москва Фаластин — Исроил музокаралари ўтказиш учун майдон ҳозирлаб беришга тайёр.

Немис демократлари ҳижобли аёл номзодни қўллаб-қувватлашди

Германиянинг “Озодлик” демократик партияси аёл номзодининг сайловда афишаси мамлакат аҳолиси ўртасида анчагина мунозарарага сабаб бўлди: баъзи фуқароларга сиёсатчи номзоднинг ҳижобдаги сурати маъқул келмади.

Гап шундаки, “Озодлик” демократик партияси номзоди турк миллатига мансуб Ойгул Қилич мусулмон бўлиб, ҳижобда юради. У Facebook тармоғида ўз афишаси билан бўлишгандан кейин тармоқларда фойдаланувчилар томонидан икки гуруҳга бўлинган ҳолда қизгин мунозаралар бошланиб кетди.

Номзоднинг кўринишини маъқул кўрмаганлар аёлнинг ҳижобда намоён бўлишини “босим ўтказувчи, сиқувчи” бош кийими сифатида баҳолашган. Ойгулни қўллаб-қувватловчилар эса унинг сайловлардаги иштирокини Германияда истиқомат қилаётган “барча иммигрант ва мусулмонларнинг овози” бўлишини маълум қилишган. Партия етакчиси Волфганг Кубики ўзининг Die Welt нашри учун қолдирган хабариди ҳеч кимнинг номзод аёлни, у хоҳ ҳижобда бўлсин, хоҳ ҳижобсиз, таҳқирлашга ҳаққи йўқлигини маълум қилган.



Африка давлатларида катарактага қарши кураш

Туркия Ислом тараққиёт банки (ИТБ) кўмағида Ислом бирдамлик жамғармаси (ISFD) ташаббус билдирган “Қўрликка қарши кураш” лойиҳаси доирасидаги ишларни бошқармоқда. Лойиҳа доирасида Африка давлатларида беш йил ичида катарактани олиб ташлаш бўйича 1,5 млн.та операция ўтказиш режалаштирилган. Лойиҳани амалга ошириш бошланиши ИТБнинг Тунисдаги 43-йиғилишида эълон қилинган. “Ўйлайманки, бу ҳаммаси эмас. Биз йилгига миллионгагача операция ўтказишимиз мумкин”, — дейди Туркия соғлиқни сақлаш вазирини ўринбосари Аюб Гумуш.



У.ТОЖИБОВ тайёрлади

ФУҚАРОЛАР ЭМАС, ХУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНАДИ

Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ушбу тизимни босқичма-босқич кенгайтириш кўзда тутилган. Шунга мувофиқ фуқароларга кўрсатилувчи ушбу турдаги хизматлар сони ортиб, уларнинг сифати яхшиланиб бормоқда.

Илгари одамлар турли кўринишдаги маълумотнома ва бошқа турдаги ҳужжатларни тўплаш учун давлат идоралари ўртасида овораяю сарсон эди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузурда давлат хизматлари агентлигининг кўйи тизими сифатида шаҳар ва туманларда ташкил этилган марказлар жисмоний ва юридик шахслар учун қулайлик яратди. Дастлабки босқичда фақат айрим турдаги давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, бу 2020 йилда 60дан ортиқ хизмат турларини қамраб олади. Натижада фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади тамойили ўзининг амалий ифодасини топади. Ҳозирда марказ томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари 33тага етди. Урганч шаҳар давлат хизматлари марказига мурожаат қилаётган жисмоний ва юридик шахсларга мутахассислар томонидан хиз-



матлар кўрсатилиб, зарур масъулаҳатлар берилмоқда.

— Фуқароларимиз бизга 2 апрелдан мурожаат қилишни бошладилар, — дейди Урганч шаҳар давлат хизматлари маркази директори Азамат Теребоев. — Бу асосан мактабгача таълим муассасаларидаги болаларни қабул қилиш жараёналари ҳисобланади. Олдин тadbirkorлар билан ишлайётган бўлсак, эндиликда олдий фуқароларнинг мурожаатларини ҳам қабул қилаёмиз.

Бу ерга келган Зумрад Машарипова невараларини мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш учун кўпдан бери жавоб кутганини айтганида,

марказ ходимлари бу муаммага осонликча ечим топиб беришди ва электрон шаклда ариза қабул қилиб олишди.

— Ҳеч кутмагандим, масалам шунчалик тез ечим топишини, — дейди биз билан суҳбатда Зумрад Машарипова. — Марказ ходимларига раҳмат, халқимиз учун бундай имкониятларни яратиб бераётган Президентимизнинг бошлари омон бўлсин.

— Икки нафар фарзандим бор, — дея суҳбатга кўшилди Жасурбек Маҳмудов. — Мактабгача таълим муассасасига ҳужжатларимизни топшириб, жавобини олти ойгача кўтиб, ҳужжатларимиз қайтариб берилган вақтлари ҳам

бўлган. Мана энди бу ишлар ўз йўлига тушиб кетди. Жуда хурсандимиз, бир томондан ишимиз осон битган бўлса, иккинчи томондан вақтимиз тежалди.

Аҳолини қийнаб келаётган айрим масалалар давлат хизматлари марказида ижобий ечимини топиши, айниқса, олдий одамларнинг идорама-идора юрмасдан бир манзилда иши ҳал этилиши бу тизимдаги ислоҳотлар инсон манфаатига хизмат қилишининг амалдаги намунаси.

НИЛУГАР ЖАББОРОВА,
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

Муаллиф олган сурат

Дастлабки босқичда фақат айрим турдаги давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, бу 2020 йилда 60дан ортиқ хизмат турларини қамраб олади.

ТАДБИР

СИРДАРЁДА ЁШ ДАСТУРЧИЛАР ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Гулистон давлат университети, Халқ таълим бошқармаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва Ёшлар иттифоқи билан биргаликда вилоят дастурчилари ўртасида "Ёш дастурчилар форуми-2018" танлови ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган танлов низомига кўра, 2018 йил 5 мартдан 24 март кунига қалар танлов иштирокчилари рўйхатга олинди, 24 мартдан 27 март кунига қалар дастурий ишланмалар сараланиб, финалчилар номи аниқланди, 28 март кунини Гулистон давлат университетида "Ёш дастурчилар форуми-2018" танлов номидаги ёшлар дастурчилари аниқлаш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Форум иштирокчилари ўзлари яратган лойиҳа ва компьютер дастурлари тақдиротини ўтказишди. Иштирокчиларнинг

қиқилари ҳамкор ташкилотлар ва Тошкент шаҳридан тақлиф этилган "Mirzo Ulugbek Innovatsion Center" инновация маркази мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди ва натижаларга кўра совриндорлар аниқланди.

Ғолибликни қўлга киритган 12 нафар совриндор учун 29 март кунини Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Сирдарё вилоят кенгаши кўмагида Тошкент шаҳрига саёҳат уюштирилди. Улар МУИС инновация маркази фаолияти ва INHA университетидаги ўқув жараёналари билан яқиндан танишишди.

Бу йилги танловнинг ўзига хослиги шундаки, унда 40га яқин иштирокчи қатнашган бўлса, уларнинг 10дан ортинини дастурчи қизлар ташкил этишди ва уларнинг 4 нафари совриндорлар сифатида тақдирланишди.

Тадбирда "Mirzo Ulugbek Innovatsion Center" инновация маркази мутахассиси МУИС ҳақида ва дастурчиларга яратилган имкониятлар тўғрисида батафсил маълумот берди, иқтидор-

ли ёшлар тақлиф этган лойиҳаларга доир инновация маркази мутахассислари томонидан маҳорат дarsi ҳам ўтказилди.

Шунингдек, вилоятда фаолият юритаётган IT компаниялар (МУИС резидентлигига номзодлар) орасидан ҳам 2 нафари ўз йўналишларида биринчиликни қўлга киритишди. Қувонарлиси, совриндорлар сафида вилоят умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг борлигидир.

— Бугунги форумда ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фуқаролари йигинлари фаолиятига доир дастурий таъминотим билан иштирок этдим, — дейди биз билан суҳбатда АКТ соҳасидаги ёш тadbirkor, "StyleUz" МЧЖ директори Доинёр Асқаров. — Ишчи гуруҳ томонидан лойиҳам юқори баҳолалиб, тегишли кўрсатмалар берилганидан хурсандим. Бугунги кунда ушбу дастурни янада такомиллаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш устида иш олиб бораёмиз.

— Мен форумда мактаб ўқувчилари номидан қатнашдим. Дўстларим билан тайёрлаган

лоийҳамизни ҳакамлар ҳайъати муносиб баҳолашди, — дейди Гулистон шаҳар 2-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Одиложон Абдуванитов. — Келгусида ахборот технологиялари соҳасида етук мутахассис бўлиш ниятидаман.

— Ушбу форумда қатнашимдан мақсад, — дейди IT йўналишида тadbirkorлик билан шуғулланувчи ёш тadbirkor Шохруҳ Ҳожибоев, — дастурлар тақдиротидан келиб чиқиб, икки нафар номзодга ҳамкорликда ишлашни тақлиф этмоқчиман.

Шунингдек, IT йўналишидаги тadbirkorлик субъектларидан "Dilfuza Yangiyer Service" МЧЖ ва "Sirdaryo Soft" ХК раҳбарлари ҳам ёш дастурчиларни келгусида иш билан таъминлаш бўйича ўзларининг боғланиш манзилларини тақдим этишди.

О.НОМОЗОВ,
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси

Бу йилги танловнинг ўзига хослиги шундаки, унда 40га яқин иштирокчи қатнашган бўлса, уларнинг 10дан ортинини дастурчи қизлар ташкил этишди ва уларнинг 4 нафари совриндорлар сифатида тақдирланишди.



Артур Конан Дойл
(1859-1930)

Бу албатта, Шерлок Холмс-да. Дунёда бу номни эшитмаган, билмаган одам топилмас керак. Ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам топқир, билимдон, ўз касбининг устаси, камбағалларга беминнат ёрдам қўлини чўзадиган, танти ва чексиз ақлий қобилияти ҳазиломуз мулоқот билан уйғунлашиб кетган ажойиб ҳислатлар соҳиби Шерлок Холмс ўз мухлислари қалбидан бетакрор шахс сифатида жой олган.

1859-1930 йилларда яшаб ўтган машҳур инглиз ёзувчиси Артур Конан Дойл қаламига мансуб детектив жанрдаги "Туртлар белгиси", "Баскервиллар ити", "Даҳшатлар водийси" саргузашт қиссалар ва "Шерлок Холмс саргузаштлари", "Шерлок Холмс ҳақида хотиралар" ҳикоялар тўпламининг бош қаҳрамони изкувар Шерлок Холмс ёзувчига бошқа асарларига қараганда беқийс шон-шухрат келтирди. Аслида эса Артур Дойл детектив асарлар муаллифи эмас, балки жиддий тарихий асарлар ёзувчиси сифатида Англияда донг таратишни истарди. Буни қаранг-ки, Конан Дойл ўзи сезмаган ҳолда айнан детектив асарлари орқали нафақат Англия, балки бутун дунёни забт этди.

Айтиш жоизки, Артур машҳур ёзувчи бўлгунига қадар кема шифокори, аскар, сиёсатчи ва жаҳонгашта саёҳатчи сифатида оғир ва машаққатли йўллари босиб ўтди ва кейинчалик унинг кўрган-кечирганлари ижодий фаолиятига туртки, машҳурлик чўққисини эгаллашига замин яратди.

Конан Дойл 1887 йилнинг декабрида дунё юзини кўрган "Арғувон ранглар этюди" романида ўқувчиларни илк бор изкувар Шерлок Холмс ва доктор Ватсон билан таништирди.

Шундан бошлаб ўқувчилар ва таҳририятлар ёзувчидан Шерлок Холмс тўғрисидаги янгидан-янги саргузаштларни талаб қила бошлади ва Конан Дойл ҳаётининг машҳурлик саҳифалари пайдо бўлди. Бугунги кунга қадар турли миллат, турли элатга мансуб ўқувчиларнинг Шерлок Холмсга бўлган эътибор ва қизиқишлари

ИЗКУВАР

асло сусаймаган, у барча даврнинг сеvimли қаҳрамони.

Конан Дойл кетма-кет икки йил мобайнида машҳур изкувар тўғрисида ҳикоялар ёзгач, охир-оқибат ўз қаҳрамонидан зерикди. У 1893 йили хотини Луиза билан Швейцариядаги сафар чоғида Райхенбах шаршарасига қилган таширидан сўнг кўпчиликнинг илтимосига қарамай, Шерлок Холмсни профессор Мариарти билан айнан мана шу шаршара ёнидаги курашда "ўлдириб" ундан бутунлай қутулмоқчи бўлди. Лекин бу уриниш ҳеч кимга омад келтирмади. Муаллиф кўпмингсонли ўқувчилар ва таҳририятлар талаби билан "Баскервиллар ити" романида Шерлок Холмсни "қайта тирилтириш"га мажбур бўлди ва у янада машҳур бўлиб кетди.

Асли касби шифокор бўлган Конан Дойл машҳурлик билан бирга жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. Ўзини сиёсатга урган Артур кетма-кет мағлубиятга учрайди. 1906 йилда сеvimли турмуш ўртоғи Луиза Хокинс бедаво дардан қўлида жон бергач, у кўп вақт депрессия ҳолатидан чиқа олмайди. Ёзувчи ўзи каби қийналган, мушкул вазиятга тушиб қолган инсонларга ёрдам бериш билан тасалли топишни истайди ва бу эзгу истакларини Шерлок Холмс образининг руҳига сингдиради.

"Ҳар ёмонликдан сўнг бир яхшилик келади", деган нақл бор русларда. Хотинининг вафотидан бир



йил ўтиб, Артур Дойл Жин Леккига уйланади. Бу никоҳ унга янада ижодий куч бағишлаб, катта даромад ва омад келтиради.

Адиб Шерлок Холмс ҳақида ёзар экан, одил суднинг хатоларини исботлаш мақсадида Скотланд-Ярд кўчасида жойлашган Бирлашган Қиролликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораси билан алоқага киришади. Бу билан кўп миқдордаги отлар ва сигирларни сўйишда айбланган Жорж Эдвалжи исмли йигитнинг оқлашига эришади. Дойл Эдвалжининг кўзи яхши кўрмаслигини ва у машҳур жиноятни қила олмаслигини исботлайди. Натижада тайинланган жазо муддатининг ярмини қамоқда ўтказган айбсиз киши жазодан озод этилади.

Табиики, ўқувчиларда Шерлок Холмснинг прототиби бўлганми, деган савол туғилади. Замондошлари Артур Конан Дойлнинг машҳур образи аслида муаллифнинг ўзи бўлганини кўп бора эътироф этишган. Чунки ёзувчи ўз қаҳрамони каби жуда синчков, ўткир зехли ва топқир бўлган. Кўплаб давлат арбоблари ундан жумбоқли масалаларни ечишда ёрдам сўраганида Конан Дойл — Шерлок Холмс услубида уларга кўмаклашгани ҳам бор гап. Яна бир бошқа манбаларга кўра, Конан Дойл Эденбург тиббиёт университетиде ўқиб юрган кезлари унга сабоқ берган профессор Жозеф Белл Шерлок Холмс образига асос бўлган, изкуварнинг яқин

дўсти ва кўмакчиси доктор Ватсон персонажи эса адибнинг ўзи.

Бизнингча эса асосийси, машҳур Шерлок Холмс фақатгина Конан Дойлнинг интеллектуал мулки эмас, балки бутун дунё халқининг маънавий мулкига айланиб улгурди. Зеро, олимларнинг Шерлок Холмс — инсониятнинг ақли ва зехнини чархлайдиган образ, деган таърифида жон бор.

Шерлок Холмс ҳақида яратилган 211та филм ҳанузгача "экран тўридан" тушмаган. Шерлок Холмс ва доктор Ватсон ҳақидаги баҳс-мунозаралар интернет ресурсларида ҳамон давом этмоқда. Биргина Лондонда Шерлок Холмсга бағишланган бир нечта музейлар фаолият юритади. Дунёнинг турли бурчакларида машҳур изкувар шарафига бунёд этилган жамоат ташкилотлари, уюшма ва клублар мавжуд. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига саёҳат қилиб табиат гўзаллиги-ю мўъжизаларидан илҳом олган буюк ёзувчи Артур Конан Дойл 1930 йилнинг 7 июлида охириги сафарга чиқди. Шу куни оғир касаллик туғайли тушакка миҳланган адиб ўрнидан туриб боққа чиқади ва яқинлари уни бир қўлида тупроқ, бир қўлида оппоқ бойчечак сиқимлаганича ерда ётган кўйи топишади. Унинг охириги сўзи хотини Жинга қарата айтилди: "Сиз ажойибсиз".

Фарида ҚОРАҚУЛОВА
тайёрлади

Китоб ҳақида қизиқарли фактлар

Фанда китоб ўғриларини библиоклептоман дейилади. Дунёдаги энг машҳур китоб ўғрисининг исми — Стивен Блумерг. У 270 кутубхонадан 23000 нодир китобларни ўғирлаган. Унинг "коллекция"си нархи 20 миллион доллардан ошади.

КИЧИК ҲИКОЯЛАР

Япроқ

- Мен олманинг япроғиман, гўзаллигимни қаранг, — деди ерда ётган япроқ.
- Чиройли эмиш, жимитдайсан-ку, — устидан қулди чинорнинг хазони.
- Сал нарироқ тушсангиз бўлмасмиди? — зорланди олма япроғини туртиб теракнинг барги.

Шу пайтда фаррош келди-ю уларни бирдек супуриб, ўт қўйди.

Намуна

— Сен қачон одам бўласан ўзи-а? Қачон бир ишнинг бошини тутасан? Бу юришинг бўлса, сендан ўғри чиқади, безори чиқади. Бор, ўкраймасдан менга ароқ олиб кел.

Пиёниста ота кўчада ўртоқлари билан уришиб келган ўғлига ҳар куни шундай "тарбиявий соат" ўтарди.

Гулчехра МАТЁҚУБОВА

Маърифат дарси

МАҚСАД — ХАЛҚ РОЗИЛИГИ

Давлат фелдъегерлик хизматиди бўлиб ўтган навбатдаги маърифат дарси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган изчил ислохотлар, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Жиззах вилоятига ташрифига бағишланди. ДФХ бошлигининг ўринбосари И.Рустамоғинов "Барча даражадаги раҳбарлар бир мақсад — халқ розилиги йўлида меҳнат қилиши лозим" деб номланган маърузаси шу ташриф ҳақида бўлди.

— Жиззах вилояти қадимдан Шарқ ва Ғарбни боғловчи Буюк Ипақ йўлининг муҳим қўналғаридан бири бўлиб келган, — деди номиқ. — Мустақиллик йилларида худуднинг юртимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти янада ортди. Ўтган вақт давомида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, Зафаробод туманидаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида катта воқеа бўлди.

Шунингдек, маърузачи вилоятда айти пайтда лойиҳа қиймати 2,2 миллиард АҚШ доллари бўлган корхона бунёд этиш ишлари юқори суръатларда давом этаётгани, "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида хорижий инвестициялар иштирокида бунёд этилган бир қатор қўшма корхоналар мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўз мухбиримиз

САМАРҚАНДЛИК ДАСТУРЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Танловда ТАТУ Самарқанд филиали ҳамда унинг академик лицейлари талаба ва ўқувчиларидан ташқари Самарқанд давлат университети талабалари ва унинг қошидаги академик лицей ўқувчилари, Иқтисодиёт ва сервис университети ва бошқа олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ёшлари иштирок этишди. Қатнашчилар тўртга йўналиш, хусусан, "Ақлли шахар" ИТ-лоийҳаси, энг яхши ИТ-бизнес лойиҳаси, энг яхши ИТ-ижтимоий лойиҳаси, энг яхши ИТ-уйин лойиҳаси бўйича ўзаро беллашдилар.

Экспертлар гуруҳи томонидан очик ҳимояси натижалари бўйича энг яхши деб тан олинган лойиҳалар тақдирлашга тавсия этилди. Яқинда барча йўналишлар бўйича



ғолиблар аниқланди. ТАТУ Самарқанд филиали талабаларидан Жонибек Садриев, Амин Ражабов, Беҳзод Анваровлар мутлақ ғолиб деб топилдилар. Уларга мақтов ёрликлари ва қимматбаҳо совғалар билан бирга кейинги босқичларга йўланмалар берилди.

Қосим БЕКМУРОДОВ, ТАТУ Самарқанд филиали директорининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари:

— Танловдан асосий мақсад вилоятимиз худудидаги корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича

долзарб муаммоларни аниқлаш, улар ечимига мутахассислар эътиборини қаратиш, компютерлаштиришга оид амалий муаммоларни ҳал этишга замонавий ёндашувни таъминлаш, инновацион ғоялардан дастурий лойиҳалар шакллантириши ва уларни амалга оширишни рағбатлантиришдир. Бу каби танловлар ОТМлар ва илмий муассасаларда фаолият олиб бораётган компютер дастуричилар тажрибасини ва илмий салоҳиятини ишлаб чиқариш корхоналарининг муаммоларини ҳал этишга йўналтириб, иқтидорли ёш дастуричилар маҳорати ва ақлий салоҳиятини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериши билан ҳам аҳамиятlidir.

Ў.АБДУГАФУРОВ

ИЧКИ ТУРИЗМ

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁХАТ ҚИЛ!

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали бошланғич касаб а уюшмаси қўмитаси ва Бўка туманлараро почта алоқаси боғламаси ҳамкорликда Бўка туманлараро почта алоқаси боғламасида фаолият юритаётган ишчи-ходимлар ҳамда улар оила аъзоларининг маънавиятини ошириш, мароқли дам олишларини таъминлаш, ички туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида юртимизнинг тарихий-маданий марказларига саёхатларини ташкил этишга катта аҳамият беришяпти.

Яқинда Бўка туманлараро почта алоқаси боғламасининг 22 нафар ишчи-ходими Хива шаҳрига саёхат қилишди. Саёхат давомида улар шаҳарнинг диққатга сазовор кўп асрлик иншоотларини томоша қилиб, улуг боболаримиз заковатига тасаннолар айтишди.

Айни кунларда боғламада ишлар қизғин давом этияпти.

Равайн НОРАЛИЕВ,

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали бошланғич касаб а уюшмаси қўмитаси раиси

"Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!" шiori остида мамлакатимиз бўйлаб ички туризмни ривожлантириш мақсадида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшларининг Наврўз умумхалқ байрами арафасида дам олиш кунларини самарали ташкил этиш учун Хоразм вилоятига саёхати уюштирилди.

Филиал жамоаси Хива шаҳри "Ичан-қалъа" музей қўриқхонасидаги "Паҳлавон Маҳмуд" зиёратгоҳи, "Кўҳна Арк" мажмуаси, Хива хонларининг машҳур "Тошқовли" саройи, "Қалта минор" минораси, "Жума" жомъе масжиди, "Аллақулихон", "Муҳаммад Аминхон" мадрасалари билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, филиал жамоаси Хива шаҳрида ўтказилган Наврўз сайлида ҳам иштирок этишди.

Афтодил ИСМОИЛОВ,

"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

СОҲА СПОРТИ

ФИЛИАЛ КУБОГИ МУСОБАҚАСИ

ТАТУ Қарши филиалида маънавият-маърифат ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими, касаб а уюшмаси ҳамда компютер инжиниринги факултети томонидан талабалар ўртасида футбол бўйича филиал кубоги мусобақаси ташкил этилди.

Мусобақалда компютер инжиниринги факултети АТС-12-14-

гуруҳи 1-ўринни, АТС-12-16-гуруҳи 2-ўринни ҳамда ТТ-12-14-гуруҳи 3-ўринни эгаллашди.

Ғолиблар кубок, диплом, фахрий ёрлик ҳамда касаб а уюшмасининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

МАЪНАВИЯТ ОЛАМИ

КИТОБИМ – ОФТОБИМ

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қўштепа туман кенгаши ҳамда мактаб бошланғич ташкилоти ташаббуси билан тумандаги 18-умумтаълим мактаби ахборот-ресурс маркази билан ҳамкорликда "Китобим — офтобим" деб номланган маънавий тадбир ўтказилди.

Тадбирда бошланғич 1-4-синф ўқувчилари иштирок этиб, дарсликлардан ўқиб ўрганган шеърларини ёд айтиб беришди. Қизиқарли ва мароқли ўтган мазкур тадбирда АРМ томонидан "Энг фаол китобхон" номинацияси бўйича кўриктанлов ҳам ўтказилди. Кўриқ-танлов якунларига кўра, ғолиблар фахрий ёрликлар ва китоблар билан тақдирландилар. Совғаларни мактабнинг ўқув-таълим ишлари бўйича директор ўринбосари М.Уринова топширди.

Тадбирда мактаб бадий ҳавоскорлик тўғараги қатнашчилари бахтли болалик, тинчлик, истиқдол, баҳор, дўстлик ҳақида қўшиқлар ижро этишди.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

ЭЪЛОН!

"Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди маълум қилади

Жамоат фонди ҳисобрақамига 2018 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 340-ф-сон фармойишига асосан "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение мар-


кази" ДУК томонидан 30 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Ушбу маблағ "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Электромагнит мослашув маркази" ДУК жамоаси Жиззах вилояти Электромагнит мослашув хизмати 2-тоифали муҳандиси Б.Раҳимовга отаси **Бекпўлат РАҲИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ягона интегратор "UZINFOCOM" МЧЖ жамоаси ташкилотда кўп йиллар самарали меҳнат қилган **Ҳусниддин ИСРОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕНГСИЗ АЗМУ ШИЖОАТ РАМЗИ



Юртни обод қилиш, улуғ аждодлар руҳини шод этиш, азалий удумларни ривожлантириш, маърифат ва маънавиятга эътибор бериш, кишилар орасида меҳроқибатни кенг ёйиш, кексаларга ғамхўрлик қилиш энг улуғ ишлардандир. Буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари амал қилган мана шундай ҳаётий мезонлар кундалик ишларимизда, давлатимиз салоҳиятини оширишда, халқ фаровонлигини юксалтириш сари босаётган қадамларимизда намоён бўлмоқда. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов Амир Темур ҳақида “Тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўздан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди”, дея таъкидлагани бежиз эмас.

Ўз давлати қудратининг манбаи барқарорлик, бунёдкорлик барча эзгу ишларнинг калити адолатда, деб билган

Амир Темур жаҳон тарихида салтанати ва салоҳияти билан чуқур из қолдирган шахс. У савдо-сотиқни ривожлантириш, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Европа мамлакатлари билан ҳам алоқа ўрнатган. Соҳибқирон ҳазратлари турли мамлакатлар ва миллатлар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамкорликнинг жонкуяри бўлган, Буюк Ипак йўлини қайта тиклаган, шу билан биргаликда, тижорат ишларини ривожлантирган. Амир Темур умри жангу жадалларда ўтган бўлса-да, бунёдкорлик ва ободончилик ишларига бефарқ бўлмаган. Унинг даврида Самарқанд ва Шаҳрисабзда, шунингдек, у ҳукмронлик қилган ўзга юртларда қад кўтарган бинолар, сўғориш иншоотлари, масжиду мадрасалар, мақбаралар бунга яққол мисолдир.

Соҳибқирон Ҳисор тоғи довоми этагидаги анҳор атрофларида боғ яратишга фармон беради. Боғларга экиладиган

дарахт турларига ҳам қатта эътибор қаратган. Тол, чинор, арча, мажнунтол, мевали дараклардан ўрик, шафтоли, анор, олча, анжир, тут, бодом кабилар боғларнинг чиройи бўлган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур мевали даракларни пайванд қилишни жуда яхши кўрган.

Бу йил буюк бобомиз таваллудининг 682 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ҳазрат Соҳибқироннинг кўп қиррали, сермазмун ҳаёти ва фаолиятини мажозий маънода бебаҳо улкан хазинага қиёслаш мумкин. Йиллар ўтган сайин бу битмас-туганмас хазинадан буюк бобокалонимизнинг ҳайратомуз мўъжизали ишларига дахлдор дуру гавҳарлар яна юзага чиқариб, халқимизнинг меросига айланади.

Соҳиба ОЧИЛОВА,
Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи катта илмий ходими

Мевалардаги код

Ўзбекистон қуёшли мамлакат. Юртимизда етиштирилган мева ва полиз маҳсулотларининг таъми ўзгача. Лекин супермаркет ва бозорларимизда дунёнинг турли чеккаларидан келтирилган мевалар ҳам кўп. Эътибор қилган бўлсангиз, хориждан келтирилган мевалар устига маълум рақамли қоғозлар ёпиштирилган. Бу нимани аңлатади? Ушбу рақамлар — кодлар орқали, сотиб олинётган мева қай тарзда етиштирилганини билиб олиш мумкин. Яъни:

Код жами 4та рақамдан иборат бўлиб, биринчиси 4 ёки 3 бўлса, у ҳолда мевага кимёвий ўғит ва пестицидлар берилганлигидан далолат.

Код жами 5та рақамдан иборат бўлиб, биринчиси 8 бўлса, у ҳолда мева ГМО (ирсий модификацияланган маҳсулот) ҳисобланади. Бундай маҳсулотларнинг зарарли ёки зарарсизлиги ҳақида



дунё олимлари турли зид фикрлар бериб келишади. Кўпроқ банан, қовун ва папайялар ГМО усулида етиштириляпти.

Код жами 5та рақамдан иборат бўлиб, биринчи рақам 9 бўлса, демек мевага ҳеч қандай кимёвий ўғит ёки пестицид ишлатилмаган. Бу мутлақо табиий усулда, минг йиллик деҳқончилик технологияси ёрдамида парваришланганидан далолат. Бундай маҳсулотлар “органик” деб ҳам аталади.

Агарда мева устида ҳеч қандай код бўлмаса, бу шубҳали. Нега кодлашмаган ёки қай усулда етиштирилганини сир саклашмоқчимиз, деган фикрга келишингиз зарур.

ВОҚЕА

Россия почтасининг учмаган дрони

Россия почтаси хат ва жўнатмаларни юборишнинг илғор усулларини қўлаб, ўз имижини яхшилаш ҳаракатида. Масалан, Буриятида бунга яқин-атроф қишлоқларига почтани ҳаво орқали элтувчи дронлар орқали эришмоқчи бўлишди. Синов учун танланган дронга юкхона ўрнатилди, маҳаллий ҳокимиятдан келган вакиллар иштирокида юк ортилган дрон учирилди. Режага мувофиқ, дрон почтани 16 километр



узюкдаги қишлоққа етказиши керак эди. Аммо... Дрон олдин синовдан ўтказиб кўрилгани аниқ, Лекин айнан шунча меҳмонларнинг олдида панд берди: ҳавога кўтарилиши ҳамона йўналишини ўзгартириб яқинда жойлашган уйнинг деворларига бориб урилди ва булак-лаиб кетди. Дроннинг учушига кучли шамол ёки Wi-Fi тармоқлари сигналлари ҳалақат берган бўлиши мумкин. Гап-сўзларга қараганда, ушбу қурилмани сотиб олиш ва “почтага мослаштириш”га тахминан 1,2 млн. рубл (20 минг доллар) сарфланган. Дарвоқе, дронга ортилган почта жўнатмасига зиён етмаган.

Kabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини
вақтинча бажарувчи:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Азим АХМЕДҲАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РҶЗИЕВ,
Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Сувон НАЖБИДДИНОВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда “Kabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,
Толимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@kabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҶРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 21.30.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Мавзюла: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-443 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 3228 нусха.

Видеот
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (0365)600-87-21 Жисакда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 291-43-28 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99